

ISSN 0202—151 X

**ЎЗБЕКИСТОНДА  
ИЖТИМОИЙ  
ФАНЛАР**



**ОБЩЕСТВЕННЫЕ  
НАУКИ  
В УЗБЕКИСТАНЕ**

**6-2001**



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FANLAR АКАДЕМИЯСИ  
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЎЗБЕКИСТОНДА  
ИЖТИМОИЙ  
FANLAR

2001

---

6

ОБЩЕСТВЕННЫЕ  
НАУКИ  
В УЗБЕКИСТАНЕ

*Издается с мая 1957 г. Выходит по 6 номеров в год*

ТАШКЕНТ  
ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

## РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Акад. АН Узбекистана А. Р. МУХАМЕДЖАНОВ (*главный редактор*), акад. АН Узбекистана Л. Х. ХИКМАТОВ (*зам. главного редактора*), акад. АН Узбекистана С. С. ГУЛЯМОВ, акад. АН Узбекистана А. Д. ДАУЛЕТОВ, акад. АН Узбекистана П. И. ИБРАГИМОВ, акад. АН Узбекистана И. И. ИСКАНДЕРОВ, акад. АН Узбекистана Х. Р. РАХМАНКУЛОВ, акад. АН Узбекистана Э. В. РТВЕЛАДЗЕ, акад. АН Узбекистана М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ, доктор педагогических наук Ю. Н. АБДУЛЛАЕВ, доктор философских наук А. М. ДЖАЛАЛОВ, доктор политических наук Р. З. ДЖУМАЕВ, доктор юридических наук М. Х. РУСТАМБАЕВ, доктор юридических наук А. Х. САИДОВ, доктор исторических наук А. У. УРУНБАЕЗ, доктор экономических наук Б. Ю. ХОДИЕВ, доктор исторических наук Т. Ш. ШИРИНОВ, Б. И. КНОПОЗ (*ответственный секретарь*)

*Адрес редакции: 700047, Ташкент, ул. академика Я. Гулямова, 70.  
Телефоны: 136-73-29, 4-83.*

© Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, 2001 г.

*Редакторы Ю. Партиева, Б. Кнопов  
Технический редактор Л. Тюрина*

Регистр № 00114. Сдано в набор 25.12.2001. Подписано к печати 29.01.2002. Формат 70×108<sup>1/16</sup>.  
Гарнитура литературная. Печать высокая. Бумага газетная. Усл. печ. л. 7,35. Уч.-изд. л. 8,8.  
Тираж 273. Заказ 67.

Издательство «Фан» АН РУз: 700047, Ташкент, ул. акад. Я. Гулямова, 70.  
Типография Издательства «Фан» АН РУз: 700170, Ташкент, ул. акад. Х. Абдуллаева, 79.

А. ТУРСУНОВ

**СУВЕРЕННЫЕ ГОСУДАРСТВА — ОСНОВНЫЕ СУБЪЕКТЫ  
ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ**

Внешняя политика постоянно находится под влиянием внутренних и внешних политических факторов, подчиняется национальному и международному праву, ею управляют государственные органы внешних сношений, на которые, в свою очередь, оказывают воздействие общественные и международные институты. Хотя в основе внешней политики государства лежат национальные интересы, на нее влияют также региональные и глобальные интересы, носителями которых могут выступать различные международные организации и транснациональные экономические структуры.

В этой тенденции прежде всего видится проявление нарастающего процесса глобализации и объективного усиления роли международного права, которые оказывают все большее интегрирующее влияние на внутреннюю и внешнюю политику государств. Как отмечал Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов, «XXI век, очевидно, будет веком глобализации в международных отношениях. В этих условиях процесс интеграции, расширения участия суверенных государств в международных институтах и организациях необходимо рассматривать не только как историческую неизбежность, но и как мощный фактор устойчивости, стабилизации, как отдельных регионов, так и в целом — в масштабе всей планеты»<sup>1</sup>.

Расширение и усиление влияния международного права на организацию внешней политики государства, в том числе посредством воздействия на национальное законодательство, есть объективная тенденция. Помимо проявления общих закономерностей международных отношений<sup>2</sup>, в основе ее лежит также стремление прогрессивной части мирового сообщества реализовать «идеал будущего — превращение международного права в истинный кодекс поведения всех народов»<sup>3</sup>. Сегодня никто не оспаривает тот факт, что «международное право среди прочих факторов оказывает непосредственное влияние на внешнюю политику государств в том смысле, что они должны соотноситься со своими обязательствами по международному праву»<sup>4</sup>.

Международные отношения непрерывно усложняются. Внешняя политика постоянно оказывается под динамичным влиянием новых общественных сил (в том числе транснациональных) и развития научно-технических факторов коммуникации, что также расширяет ее содержание. Растет влияние гуманитарных, информационных, научных,

<sup>1</sup> Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Ташкент, 1997. С. 289.

<sup>2</sup> Об этом подробнее см.: Современные международные отношения: Учебник/Под ред. А. В. Торкунова. М., 2000. С. 23—27.

<sup>3</sup> Международное право: Учебник/Отв. ред. Ю. М. Колосов. М., 2000. С. 14.

<sup>4</sup> Международное право: Учебник/Отв. ред. Ю. М. Колосов. М., 1996. С. 15.

этнокультурных и других факторов, которые не всегда поддаются внутрисоциальному и международно-правовому регулированию. Неуклонно развивается тенденция расширения масштабов и диапазона внешней политики, не только как политики государств и правительств, но как вообще всего комплекса связей стран, общества с внешним миром. «По своей экономической, социально-культурной, информационной и иной значимости в подавляющем большинстве стран современного мира такие связи многократно «перевешивают» то, что осуществляется непосредственно по линии внешней политики государства и правительства»<sup>5</sup>.

Сегодня все чаще говорится о сокращении удельного веса межгосударственных отношений за счет возрастания роли негосударственных субъектов<sup>6</sup>. Глобализация мировой политики и изменение ее повестки дня в результате возрастания приоритетности экономических, технологических и духовных областей диктуют новые подходы. На Западе как в политических, так и в научных кругах в последние годы утверждается доктрина о праве мирового сообщества на вмешательство во внутренние дела государства не только для поддержания международного мира и безопасности, но и по гуманитарным причинам (humanitarian intervention)<sup>7</sup>.

Тем не менее внешняя политика продолжает быть объектом и прерогативой государственного управления на том основании, что принцип уважения суверенитета, неподчиненности государства какой-то внешней власти и невмешательства в его внутренние дела остается краеугольным в международном праве.

Как правило, анализ внешней политики той или иной страны как сферы общественных отношений начинается именно с определения механизмов ее осуществления, с изучения совокупности определенных целей, задач и действий государства в международных отношениях, которые оно предпринимает для главного — реализации национальных интересов.

Здесь следует отметить, что именно определение места суверенного государства в международных отношениях позволяет полнее раскрыть роль конституционного и международного права в регулировании внешней политики той или иной страны. Не случайно практически во всех научных определениях конституционного и международного права, политологии, истории и т. д. центральной категорией определения внешней политики выступает государство. «Внешняя политика — это общий курс государства в международных отношениях, — говорится в одном из распространенных учебников по международному праву, — и его конкретные шаги в направлении реализации этого курса»<sup>8</sup>.

Согласно определениям политологии, суверенное государство является центральным элементом политической системы. Оно выступает носителем власти и властных отношений на национальном уровне и государственного суверенитета в международных отношениях. «Главными субъектами международных отношений являются прежде всего суверенные национальные государства, — отмечает известный политолог К. С. Гаджиев. — Именно государство имеет реальные властные полномочия осуществлять внешнюю политику, выступать в качестве субъекта отношений с другими государствами, заключать межгосу-

---

<sup>5</sup> Косолапов Н. Внешнеполитическое сознание: категория и реальность// МЭ и МО. 1999. № 9. С. 8.

<sup>6</sup> См.: Современные международные отношения. С. 70—93.

<sup>7</sup> См. там же.

<sup>8</sup> См., напр.: Международное право: Учебник. М., 2000. С. 13.

дарственные договоры и соглашения, объявлять войну и заключать мир и т.д.»<sup>9</sup>

Несмотря на рост влияния международных организаций и других субъектов международных отношений, зачастую именно за отдельным суверенным государством оказывается последнее слово в окончательном принятии решения международного характера. При этом речь идет не только о странах так называемой «восьмерки», чьи ресурсы позволяют оказывать воздействие на ход развития внешнеполитических и внешнеэкономических отношений (даже если этими вопросами специально занимаются авторитетные международные организации), а о лидерах вообще, в том числе региональных. Такова общая закономерность социально-политических отношений: «слабые» субъекты (особенно в плане обороны) имеют тенденцию объединяться перед лицом вызовов и угроз в различные организации, сообщества, союзы, содружества, совещания, блоки и т. д., «сильные» — стараются взять ситуацию под свой контроль. В результате некоторые международные структуры на самом деле превращаются в механизм реализации интересов отдельных стран, а отнюдь не всех участников данной коллективной международной организации.

По мнению бывшего исполнительного секретаря Экономической комиссии ООН Европы Мирдала (Myrdal), «в целом, международные организации есть ничто иное, как инструменты политики отдельных государств, средства дипломатии большого числа ...суверенных национальных государств. Появление международной организации означает лишь то, что государства заключили соглашение о создании институциональной формы для многосторонней деятельности в определенной сфере. Организация становится важной ...только в той степени, в какой многосторонняя координация (деятельности в этой сфере) является реальной и постоянной целью национальных правительств»<sup>10</sup>.

И наоборот, если в организации отсутствует государство-лидер, носитель международного авторитета и инициатив, обладающий мощными военно-промышленными, политическими и экономическими ресурсами, то такая организация становится малоэффективной и незаметно трансформируется в самодовлеющий бюрократический аппарат.

Иначе говоря, государства, несмотря на процессы усложнения и демократизации в международных отношениях, продолжают оставаться основными субъектами внешней политики.

Этого мнения придерживается широкий круг исследователей международно-правовых отношений, и не только за рубежом. Например, в отечественном учебном пособии Р. А. Тузмухамедова и Р. Т. Хакимова подчеркнута, что из трех видов субъектов международного права основным является государство, «оно обладает всеми правами, присущими суверенитету, и поэтому правосубъектно в полном объеме»<sup>11</sup>.

Данный вывод основывается на реалистичном подходе к анализу соотношения государственного и народного суверенитета. Вместе с тем эти авторы считают, что, хотя народный суверенитет сложился раньше бюрократического механизма, последний в силу своей большей организованности постепенно стал «самодовлеющим аппаратом». По их мнению, хотя в конституциях тех или иных государств часто встречаются ссылки на народ как источник власти или источник суверенитета

<sup>9</sup> Гаджиев К. С. Введение в политическую науку. М., 1997. С. 288—289.

<sup>10</sup> Цит. по: Введение в теорию международных отношений и анализ внешней политики: Учебное пособие/Н. А. Ломагин (руководитель авторского коллектива). СПб., 2001. С. 21—22.

<sup>11</sup> Тузмухамедов Р. А., Хакимов Р. Т. Основы международного права: Учебное пособие. Ташкент, 1998. С. 11.

государства, мир, дескать, не знает государственной власти, подлинно выражающей волю народа, государственного суверенитета, основанного на народном суверенитете, достоверно его отражающего. И далее они заключают: «Изначально существующая историческая несправедливость, упрочившаяся и закреплённая во внутригосударственном праве, перешла и в международное право: вместе того, чтобы быть Правом народов — *jus gentium* (юс джентиум), как его нарекли в средние века в Европе, правом между народами, оно сложилось и остаётся правом межгосударственным»<sup>12</sup>.

Эти выводы, однако, не представляются бесспорными, ибо в разных странах есть разная степень соотношения государственного и народного суверенитета: в государствах с либерально-демократическим режимом перевешивает последний, с псевдолиберальными и откровенно недемократическими режимами — государственный аппарат. Либерально-демократические режимы в большей степени подконтрольны и зависимы от воли народа.

Безусловно, авторы правы в одном: государство, обладая суверенитетом, может в полном объёме выразить данное свойство только в международной сфере. Само понятие международной политики и права имеет смысл тогда, когда речь идет о взаимоотношениях двух и более государств, обладающих соответствующими ресурсами власти, кадрами и институтами. Кроме того, у государства есть власть, которая позволяет ему выполнять свои функции, в том числе и внешнеполитические. «Главной особенностью международного права является то, что оно регулирует исключительно межвластные отношения между государствами»<sup>13</sup>. Остальные субъекты международного права скорее выступают факторами влияния на политику государства или группы государств, нежели самостоятельно действующими субъектами мировой политики.

Таким образом, самым оптимальным представляется определение внешней политики как деятельности государства на международной арене, регулирующей отношения с другими субъектами внешнеполитической деятельности: государствами, зарубежными партиями и иными общественными организациями, всемирными и региональными международными организациями<sup>14</sup>. Государство является не единственным, но главным действующим лицом в международных отношениях. Соответственно в основе регулирования внешней политики государств лежат нормы и национального, и международного права.

При определении роли этих систем в регулировании внешней политики государства приоритет сегодня бесспорно отдается международному праву: «Ни внешняя политика, ни дипломатия не должны вступать в противоречие с международным правом, являющимся единственным общим языком межгосударственного общения. Международное право оказывает непосредственное воздействие на внешнюю политику государства и его дипломатию»<sup>15</sup>. Однако не менее действительны и национальные правовые механизмы, регулирующие отношения государства в сфере внешней политики. Сегодня они продолжают играть важную роль в определении стратегической линии поведения государства на международной арене.

Основная сложность при изучении данного вопроса заключается в том, что «внешняя политика» как предмет исследования в большей степени имеет либо международно-правовой, либо ситуативный международно-политический аспект анализа и реже рассматривается с

<sup>12</sup> Там же.

<sup>13</sup> Международное право: Учебник. М., 2000. С. 8.

<sup>14</sup> Введение в теорию международных отношений... С. 103.

<sup>15</sup> Международное право: Учебник. М., 2000. С. 14.

Тоҷики зренини теорини й практики конституционнӯго право. Эти вопросы, таким образом, требуют дальнейшей глубокой и всесторонней научной проработки.

У. Х. МУҲАМЕДОВ

## ҚОНУН УСТУНЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА БУ ҒОЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Қонун устунлиги бугун пайдо бўлган муаммо эмас. Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, у ўз ривожланишининг катта тарихига эга. Мустақил ривожланишимизнинг ҳозирги босқичида, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш асосий мақсадимиз бўлган бугунги кунда қонун устунлиги муаммоси долзарб аҳамият касб этади.

Президент И. А. Каримовнинг қуйидаги фикрлари ушбу ғояни ўрганишга асос ва йўналиш бўлиб хизмат қилади: «Агарки дарахтнинг илдизи қанчалар чуқур бўлса, у шунчалик бақувват, осмонўпар бўлади. Ёки замонавий тил билан айтадиган бўлсак, бино қанчалик баланд бўлса, унинг пойдеворини ҳам шунчалик чуқур ва мустаҳкам қуриш керак.

Биз бугун мустақил, адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Уй-лайманки, бизнинг бу борадаги принципларимиз — беш тамойилимиз ҳақида бу залда ўтирган кўпчиликнинг хабари бор. Бинобарин, уларни такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин мен иккита нуқтага эътиборингизни қаратмоқчиман:

— биринчидан, биз ўз миллатимиз, ўз халқимиз хусусиятларига, ўз миллий қадриятларимизга асосланиб;

— иккинчидан, тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига ва умумбашарий ақидаларга таяниб, мустақил давлатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнимизни эгаллаб олмоқчимиз»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Конституция ва қонун устунлиги таълимоти ҳам юртбошимиз ғояларига асослантирилган ҳолда бошлаб, олиб бориладиган бўлса, унинг ҳақиқий миллий давлатчилигимиз, тарихимиз, анъаналаримизга хос бўлган, шунингдек, дунё тараққий топган давлатларининг бой тажрибасига таянган ҳолда кўзлаган мақсадимизга етамиз.

Қонун устунлигининг ривожланиш тарихини ўрганишдан мақсад — унинг давлатда принцип сифатида шаклланишини, турли бошқарув ва тузилиш шаклидаги давлатларда қонун ёки бошқа ҳужжатларнинг устун туришини, қонун устунлиги деганда қандай қонунларнинг устунлигига эътибор қаратилишини, қайси даврда қонун устунлигига қандай омиллар таъсир этганлигини, юридик қонунлар билан бошқа ижтимоий (илоҳий, фалсафий, табиий) қонунлар ўртасидаги қиёснн, нисбатан чуқур билиб олишдир. Бундан ташқари, қонун устунлигининг назарий масалалари — қонун устунлигини шаклан эмас, балки мазмунан тушуниш, биз таҳлил этмоқчи бўлган принцип ўз ривожланиш тарихида, сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда қай тарзда ўз аксини топган ва мозий мутафаккирларининг шу тушунча бўйича изланиш ва ғояларини ўз ичига олади.

Мазкур тушунчани ўрганишдан олдин, бу тушунча кенг таълимотлар ва тарихни ўз ичига олганлиги сабабли, чалкаштириб юбормаслик учун қуйидаги режага солишни лозим топдик:

<sup>1</sup> Каримов И. А. Амир Темур — фахримиз, гуруримиз // Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-том. Тошкент, 1997. 190-бет.

1. Давлатда қонун устунми ёки бошқа тушунчами (ахлоқ, ҳуқуқ, якка шахснинг хоҳиши)?

2. Давлатчилик тарихида бошқарув ва тузилиш шакли турлича давлатларда қандай принцип устун?

3. Қонун устунлиги деганда қандай қонунларнинг устунлиги назарда тутилади?

Қонун устунлигини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш кейинги босқичлар, яъни қонун устунлигини таъминлаш ва қонун устунлигини амалга ошириш учун катта қулайлик яратади. Қонуннинг устунлигини назарий ва моҳиятан очиб ташласак ҳамда унинг ривожланиш тарихининг ҳар бир босқичини синчковлик билан тадқиқ этсак, унинг устунлигига эришишга равон йўл очилади.

Ўтмиш мутафаккирларининг бу соҳадаги қарашлари ва давлатчилик тарихидаги изланишлар самарали қонун устунлигини таъминлаш концепциясини яратиш эҳтиёжини туғдирди. Шунинг учун қонун устунлигининг ривожланиш тарихини ўрганиб, даврлар ва донишмандларнинг ҳуқуқий қарашларини бир-бирига қиёслаб, ягона, яқдил «қонун устунлиги принципи» тушунчасини келтириб чиқаришимиз лозим бўлади. Бу тўғрида ҳуқуқшунос олим Х. Одилқориев қуйидагиларни таъкидлайди: «Демократик ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган ёш суверен Ўзбекистон воқелигида қонуннинг олийлиги принципини жорий этишнинг махсус концепцияси зарур. Албатта бу дастурий характердаги концепция чуқур илмий асослантирилган бўлиб, унда тарихий тажрибамиз, ҳозирги ижтимоий ҳаёт тарзимиз, халқнинг сиёсий маданияти, унинг ижтимоий онги ва руҳияти мукамал социологик тадқиқотлар натижасида акс эттирилиши керак»<sup>2</sup>.

Бу борада қадимги Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари муҳим аҳамият касб этиб, бу муаммони ўрганишда бизга катта ёрдам беради. Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» деган ибратли нақли қонун устунлигининг миллий ривожланиш тарихини ўрганиш бежиз бўлмаслигига ишонч ҳосил қилади.

Қадимги юнон донишманди Суқротнинг «Афинада катта лавозимларга қуръа ташлаш орқали одамлар сайланади. Бу нотўғри, чунки бу йўл орқали донишманд бўлмаган ҳар қандай одам ҳам юксак лавозимга кўтарилиши мумкин. Юксак лавозимларга иқтидорли, билимли, лойиқ одамлар сайланиши керак», — деган сўзларига амалдорлар ёпишиб уни давлатга қарши чиқишда айблаганлар. Шунда суд Суқротни айбдор деб топган ва уни ўлимга ҳукм қилган. Суднинг бу ҳукмидан унинг тарафдорлари, шогирдлари қаттиқ норози бўлганлар. Донишманд 30 кун ўлимини кутиб қамоқда ўтирган. Унинг шогирдлари ва яқинлари суд ҳукми адолатсиз бўлганлигини айтишиб, Суқротни қамоқдан қочишга ундаганлар. Аммо Суқрот уларнинг бу гапларига кўнмаган ва яқинларига «менинг қамоқдан қочишим қонунни бузиш бўлади. Хоҳлаган киши қонунни бузаверса, унда қонун ва давлатнинг ҳоли нима кечади» — деган. Қонунни ўзининг ҳаётидан устун қўйган ушбу донишманднинг кечмиши ярим ривоят бўлса-да, жамиятда қадимги даврларданоқ «қонун» деган тушунча муқаддас тушунча сифатида қадрланиб келганлигидан далолат беради.

Қадимги дунё мутафаккирларидан бири Афлотун ўзининг «Сиёсатчи» (Политик) асарида бошқарув тартиблари турлича бўлган учта давлатни кўрсатиб ўтади: монархия, озчилик ҳокимияти, кўпчилик ҳокимияти. Буларнинг ҳар бири қонунийликнинг мавжудлиги ёки

<sup>2</sup> Одилқориев Х. Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. Тошкент, 1995. 60-бет.

мавҳумлиги билан иккига бўлинади: қонуний монархия — подшоҳ ҳокимияти; қонунга зид ҳокимият — тирания; озчиликнинг қонуний ҳокимияти — аристократия; озчиликнинг ноқонуний ҳокимияти — олигархия. Афлотуннинг мазкур тизимида қонун етакчи куч эмас, балки ёрдамчи вазифани ўтайди.

Олигархия, демократия ва тиранияга қарши ўз фикрларини билдирар экан, Афлотун ҳамма давлат қонунийликка асосланиши зарурлиги ва булар ичида демократия салбий кўринишга эгаллиги, фақат қонунсизлик мавжуд бўлган шароитлардагина демократия ижобий кўринишга айланиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Афлотун бундан ташқари, «Қонунлар» асарида икки хил давлатни тасвирлаб ўтади: биринчиси — ҳамманинг устидан ҳукумат ўз ҳокимлигини ўтказди, иккинчиси — ҳукумат ҳам қонунлар асосида ҳаракат қилади<sup>3</sup>.

Афлотун ўз асарида олигархлар ҳокимиятига алоҳида тўхталиб, уни ижобий санаб, олигархлар ўз ҳуқуқларини ҳамманинг ҳуқуқларидан устувор санайдилар. У демократик давлатларда ҳам иқтисодий жиҳатдан кучайиб кетган шахслар, давлатнинг барча иқтисодий моддий кучларини қўлга олиши мумкин деб ҳисоблайди. «Бир одамга тааллуқли бўлган қоида бошқа одамлар учун шарт эмас» — деган. Шунингдек, Афлотуннинг таъкидлашича, қонунларга қараганда муайян кишилар жамоасининг ҳуқуқлари устувор тургани мақсадга мувофиқдир<sup>4</sup>.

Афлотун асарларининг асосий мазмунидан давлатда қонун эмас, балки муайян кишилар жамоасининг (озчиликнинг) ҳуқуқлари устун туриши керак деган фикрлар ташкил этади.

Ҳозирда Россия Федерациясининг оммавий ахборот воситалари ҳукумат «олигархлар» қўлида деган мазмундаги ахборотларни бериб бормоқда. Афлотуннинг таъбирича, ҳукумат хоҳлайдими-хоҳламайдими, давлатнинг айрим бой, тадбиркор табақадаги фуқаролари ўз моддий қудрати билан қонун орқали тартибга солинадиган асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни хоҳлаган мақомга солишлари мумкин.

Арасту Афлотуннинг олигархлар ҳуқуқларини устун қўювчи давлатини ва фавқулодда демократиясини рад этиб, бойлар ва камбағаллар ҳуқуқлари тенг саналадиган, қонунлар ҳукмрон демократияни ижобий санайди. Лекин шу билан бирга, Арасту жамиятда ҳуқуқнинг ўрнини алоҳида кўрсатган ҳолда, демократик давлатда қонунлар ҳуқуқлардан ташкил топишига тўхталади. У мажбурий кучга эга бўлган қонуннинг йўқлиги — жамиятда фуқароларнинг тенгсизлигига, адолатсизликка олиб келишини айтади.

«Ҳар қандай қонун асосида ҳуқуқ ётади — деб ёзади Арасту, — шунинг учун бу ҳуқуқ қонунда ўз ифодасини топиши керак». Қонуннинг ҳуқуқдан чекиниши, Арастунинг фикрича, бошқаришнинг сиёсий шаклидан чекиниш бўлиб, бундай қонун диспотизига учрайди (бир кишининг бошқаришида ҳуқуқ мот қолади). Ҳуқуққа қарши бориш қонуннинг иши эмас, мажбурлаб бўйсундириш эса ҳуқуқ ғояларига қарши бўлади<sup>5</sup>.

Агар Арастунинг фикрига асосланадиган бўлсак, сиёсий бошқарув — одамларни қонунлар орқали бошқаришдир<sup>6</sup>.

Ижтимоий муносабатларнинг кенг мазмунини қамраб олган ахлоқни ҳуқуқ, қонунга қараганда устун қўйиш кўпроқ И. Кант асар-

<sup>3</sup> Қаранг: Период расцвета древнегреческой политико-правовой мысли//История политических и правовых учений. М., 1988. С. 65—67.

<sup>4</sup> Қаранг: Абу Наср Форобий. Афлотун қонунларининг моҳияти//Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, 1993. 24-бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Период расцвета древнегреческой политико-правовой мысли. С. 74.

<sup>6</sup> Қаранг: Аристотель. Политика//Соч. В 4-х томах. Т. 4. М., 1983. С. 509.

ларида ўз аксини топган. Кант бу тўғрида «қатъий императив» тушунчасини илгари сурган. Бу — шахс жамиятда бирон-бир бир ҳаракат қилишдан олдин ўз-ўзича мушоҳада қилиб, муайян ҳукмини чиқаради деганидир.

Агар киришмоқчи бўлган мазкур ҳаракати ноҳўя бўладиган бўлса, ўз-ўзини танқид қилиб, бу фикридан қайтади»<sup>7</sup>.

Лекин ахлоқ устунлигини эътироф этувчи мазкур ғоялар давлатчилик тарихида ўз обрўсини топа олмаган ва қонунчиликда ёрдамчи вазифани ўтаб келмоқда. Давлат ҳудудидаги миллатларнинг дини, урф-одатлари ва анъаналарининг ўзига хослиги ахлоқни устувор санашга тўсқинлик қилади. Чунки бу ердаги фуқаролар таркиби айнан бир хил эмас, турфа миллат вакилларида ташкил топган. Агар ҳар бир шахс ўз ахлоқи билан иш қиладиган бўлса ўн хил шахсдан ўн хил фикр чиқади, яъни уларнинг дунёқарашлари ягона нуқтага бирлашмаган, ахлоқийлик томондан ҳам турлича тарбия олганлар. Ахлоқ устун жойда бўйсуниб ҳам деярли бўлмайди. Бу — ахлоқни умуман рад этиш эмас, чунки у жуда кенг тушунча бўлиб, ахлоқий қадриятлар ҳокимият томонидан қайтадан ишлаб чиқилиб, бирлаштирилади ва улардан давлат қонунларини қабул қилишда фойдаланилади.

Қадимги дунё мутафаккирларидан бири Жан Мелье «Васиятнома» (Завещание) асарида тиран, откупщик, вельмож ҳокимияти ҳақида гапирган ва булар жиноят йўли билан бунёд бўлган деган фикрни илгари суради. Барча инсонлар табиатан тенг бўлса ҳам, бундай давлатларда подшоҳлар, ҳукмдорлар ўзларини қонундан устун қўйганлар»<sup>8</sup>. Кўпроқ мутлақ монархия шаклидаги бундай давлатларда давлат бошлиғининг иродаси, яъни у томонидан бўладиган амру-фармон ҳар қандай қонуннинг, ҳуқуқнинг, ахлоқнинг устунлигига чек қўяди. Чунки ҳокимият, давлат ерлари монархнинг мулки, унинг ҳокимияти ҳеч қандай халқ ҳокимияти: қонун ёки орган билан чекланмаган. И. Кантнинг «Қатъий императив»ида деспотизи тушунчасини — давлат қонунларини ўзбошимчалик билан ижро этиш принципи дейилган<sup>9</sup>. Бунда халқ иродаси ҳокимнинг шахсий иродаси сифатида намоён бўлади. Бундай давлатда яшайдиган халқ ўз хатти-ҳаракатини ҳукмдорининг раъйига, хулқ-атвориغا қараб амалга оширади.

Бу ерда қонун ҳукмдорнинг сўзи ҳисобланади. Якка шахс иродаси қонун саналган давлатда ҳокимият халқ қўлида бўла олмайди. Биз ҳуқуқий демократик давлатнинг умуминсоний принципларига юқорида айтилган ахлоқ, ҳуқуқ, якка шахснинг иродаси устунлиги умуман тўғри келмайди деб ҳисоблаймиз. Шу уччаласининг ақалли биронтаси қонунлардан устун саналадиган бўлса, адолат ва тенглик қарор топмаслиги шубҳасиздир.

Шу ерда юридик қонун нуқтаи назарини таҳлил этишдан олдин «илоҳий қонунлар тушунчасини» қисқача ёритиб ўтишни лозим топдик. Бизга маълумки, жаҳон ҳуқуқий тизими бир-биридан ўзаро фарқланувчи бир неча ҳуқуқий тизимларни ўз ичига олади. Улардан бири мусулмон ҳуқуқи тизимидир. Бу тизимнинг асосида шариат қонунлари, яъни Аллоҳ томонидан нозил бўлган Қуръони Карим нормалари давлатда мажбурий кучга эга, қонун вазифасини ўтайди. У асосида чиқарилган Пайғамбар Муҳаммад С. А. В. нинг Суннатлари, Қиёс ҳамда Ижмоъ мусулмон ҳуқуқининг кейинги манбалари сифатида қонуний кучга эга бўлади. Мусулмон давлатларидаги қонунларнинг

<sup>7</sup> Қаранг: Кант И. Соч. Т. 6. С. 170—173.

<sup>8</sup> Қаранг: Мелье Ж. История политических и правовых учений. М., 1988. С. 279.

<sup>9</sup> Қаранг: Кант И. Соч. Т. 6. С. 169.

ўзига хос томонлари шундан иборатки, қонунга бўйсуниб Аллоҳга бўйсуниб деб юритилади. Агарки одам қонунга бўйсунмайдиган бўлса, Аллоҳга осий ҳисобланиб нозил қилинган муқаддас китоб Қуръони Карим ҳамда Суннати-набавийя нормалари асосида жазога сазовор ҳисобланади. Шунингдек, Шарнатда қонун тушунчаси инсон ва иймон тушунчалари билан чамбарчас боғланган ҳолда нормативлашади. Ва бунинг оқибатида қонунни бузган, уни четлаб ўтган шахсни инсон деган тушунчадан махрум этишгача олиб борилади. Ислом институтлари ва нормаларининг давлат ҳуқуқига таъсирини акс эттирадиган ва айни вақтда шундай таъсирнинг ҳуқуқий негизи бўладиган етакчи конституциявий принцип исломий давлат моҳиятини эътироф этишдир. Бу нарса ўттиздан ортиқ мамлакатда жорий этилган. Айрим давлатларда ислом институтлари давлат ҳокимиятининг асосий ғоявий негизи деб тан олинмоқда, бошқаларда эса мавжуд ҳокимиятни «ёритиш» йўлида намоён бўлмоқда. Бироқ исломнинг ҳозирги замон давлат ҳуқуқига таъсири бунда эмас, балки мусулмон ҳуқуқи бир қанча мўайян институтлари ва нормаларининг мустаҳкамланишида намоён бўлмоқда. Бу аввало «маслаҳатлар» тамойилга тааллуқлидир. Ҳозирда бир қанча мамлакатларда (Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари) давлат бошлиғи ҳузурида маслаҳатлашиш органи тuzилган бўлиб, давлат бошлиғи унинг маслаҳатларисиз қонунлар қабул қила олмайди. Гоҳида «маслаҳатлар» тамойилидан масъулиятли давлат лавозимларига шахсларни тайинлашда фойдаланилади. Ислом институтлари ва илоҳий нормаларининг ҳозирги замон давлат ҳуқуқига таъсирининг энг муҳим кўринишларидан бири — давлат бошлиғи учун диний эътиқод ҳуқуқининг тайинланишидир. Чунончи, Иордания Конституциясига кўра подшоғина эмас, балки бош вазир ҳам мусулмон бўлиши керак. Мусулмон ҳуқуқи нормалари давлат бошлиғи ҳуқуқи мақомини тартибга солишда янада қаттиқроқ роль ўйнайди. Бир қанча давлатларда ҳукмдорлар, гарчи халифалар бўлмасаларда, ўз фуқароларининг руҳоний бошлиғи ҳисобланадилар. Марокаш, Судан ва бошқа давлатларда ҳукмдорларга мутлоқ дахлсизлик, қонун чиқарувчи ҳокимиятни якка ўзи амалга ошириши ҳуқуқи берилади.

Умуман олиб қараганда, давлатда «илоҳий қонун»ларга устунлик тушунчасини бериш ғайридемократик ҳодисадир. Юқорида айтиб ўтган мисолларимиз (давлат хизматларидаги лавозимларнинг айнан мусулмон бўлган шахсларга берилиши, аёлларнинг ҳокимият ишларидан четлаштирилиши) бунга ёрқин далил бўла олади.

Қонун устунлиги назариясини талқин этишда «илоҳий қонунлар» устунлиги тушунчасидан четлашимиз дунёвий давлатимиздаги ҳуқуқнинг ташкил этилишида халқнинг бир неча йўллар орқали тўғридан-тўғри роль ўйнашидир. Халқ агар қонунда ўзининг иродасини намоён эта олмаса қонунга бўйсуниб, унга садоқат инқирозга юз тутати. Шунинг учун ҳам қонун устунлиги деганимизда, устунлик директиваларини фақат дунёвий давлат қонунларига тақашимиз ўринлидир. Қонун бўлганда ҳам халқнинг олий давлат вакиллик органи томонидан қабул қилинадиган юридик қонунлар назарда тутилади. Академик Ш. З. Ҳразаев бу борада қуйидагиларни таъкидлайди: «Қонун ижтимоий муносабатларнинг, жумладан ҳокимият ва муҳолифат билан боғлиқ муносабатларнинг қудратли тартибга солувчиси, бошқарувчиси бўлмоғи даркор. Ҳуқуқий давлатда фақат ва фақат қонун ҳакам, қози ва ҳукмдор бўла олади»<sup>10</sup>. Диннинг умуман олганда, барча динларнинг ўз халқимизга виждон, эътиқод эркинлиги сифатида мустаҳкамлаб берилиши аввало аждодларимиз руҳига, тарихимизга ва ий-

<sup>10</sup> Ҳразаев Ш. З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Тошкент, 1994. 35-бет.

Монимизга чуқур эҳтиром билан қараш шарофатидир. Юртбошимиз И. А. Қаримов буни қуйидагича чуқур ғоявий асослаб берган: «Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли-ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар... Демак, дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда, динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз лозим»<sup>11</sup>. Демак, биз ислом динига, ваҳоланки, қадрият сифатида қарашимиз дунёвий демократик давлатчилигимизнинг мезонларини миллийлик руҳи билан суғоришимизга хизмат қилади.

Қонун устунлиги масаласи ҳуқуқий давлат ва ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг классик асосчиларидан бири бўлган Жан Жак Руссонинг ғояларида қуйидагича талқин этилади: «Қонун бу ҳамманинг онги билан қабул қилинган акт бўлиб, давлат бошлиғи ундан юқори тура олмайди. Қаерда халқ қонун чиқарувчи бўлса, ўша ердagina демократия ва эркинлик бўлади. Тўғридан-тўғри халқ томонидан қабул қилинадиган меъёрий актгина қонун бўлиб ҳисобланади. Худуди жиҳатдан катта давлатлар учун ҳам бу ҳолатни четламаган ҳолда, Руссо таъкидлайдики, халқнинг референдум орқали тасдиғидан ўтганда кейингина, халқ вакиллари қабул қилган ҳужжатлар қонун бўла олади»<sup>12</sup>.

Руссонинг фикрларини маъқуллаган Ш. Монтескье «Қонун устунлиги принципи мавжуд бўлиши учун давлатда ҳокимиятлар тақсимланиши лозимлигига алоҳида тўхталади. Бир-бирини қўллай оладиган, назорат қила оладиган ҳокимиятлар тақсимланган давлатдагина ҳуқуқ ва қонун устунлиги таъминланади. Шу жумладан, Монтескье ҳокимиятлар ичида қонунчилик ҳокимиятининг етакчи эканлигини эътироф этади»<sup>13</sup>.

Профессор Ю. А. Тихомиров қонун устунлиги принципининг айнан ҳуқуқий демократик давлатга тегишли эканлигини таърифлаб, унинг қуйидаги элементлардан таркиб топишини таъкидлайди.

1. Қонунга хос барча хусусиятларнинг, шу жумладан давлат ва жамият ҳаётининг муҳим масалаларини қонун ёрдамида ҳал этилишининг норматив мустаҳкамланганлиги.

2. Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари қўлланадиган барча ҳуқуқий актлар орасида қонун устуворлигининг белгилаб қўйилганлиги.

3. Барчанинг қонунийлик принципига риоя этиши конституциявий тарзда мустаҳкамлаб қўйилганлиги.

4. Қонуннинг юридик кучи бошқа норматив актларникидан юқори эканлигини белгилаб қўйилганлиги.

5. Конституциявий назорат ва контролнинг амалга оширилиши<sup>14</sup>.

Олимнинг мазкур фикрларига қўшимча сифатида яна қуйидаги шартларни қонун устунлигининг элементлари сифатида баҳоласак ўринли бўлади.

<sup>11</sup> Қаримов И. А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари//Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент, 1996. 40-бет.

<sup>12</sup> Қаранг: Руссо Ж. Ж. Идеология буржуазного радикализма//История политических и правовых учений. М., 1988. С. 275.

<sup>13</sup> Политико-правовая доктрина Ш. Монтескье//История политических и правовых учений. С. 266.

<sup>14</sup> Тихомиров Ю. А. Теория закона. М., 1982. С. 89—90.

1. Қонунни фақат олий давлат вакиллик органи қабул қила олиши.

2. Жамиятнинг асосий ижтимоий, сиёсий, иқтисодий масалаларининг фақат Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилиши.

3. Қонунларнинг фақат республика миқёсидаги масалалар юзасидан қабул қилиниши.

4. Қонунларда доимо халқ хоҳиш-иродаси ҳамда инсон манфаатларининг устуворлиги акс этиши.

Х. Т. Одилқориев «...Қонун устунлигини таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири — ягона давлат ҳокимиятининг демократик тарзда чинакам тақсимланиши эканлигини»<sup>15</sup> ўз фикрлари орқали намоён этади.

«Чинакам демократизм қонунларнинг қай даражада устунлиги билан, ҳуқуқ ва эркинликлар қанчалик кенг берилгани, ижтимоий кафолатлар кучи билан белгиланади. Ҳар қандай давлат, айниқса, чинакам демократияга интилаётган давлат ўз халқи манфаатларини, ўз фуқароларининг орномуси ва қадр-қимматини, уларнинг ҳаёти ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлмоғи даркор»<sup>16</sup>.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, қонун устунлиги принципининг қўйидаги соф тушунчасини эътироф этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Қонун устунлиги, биринчидан — мамлакатда Конституция ва қонунларнинг ҳақиқий ҳукмронлиги бўлиб, уни фақат олий давлат вакиллик органи қабул қила олиши ва давлат раҳбари тасдиқлаши, ўзида халқ хоҳиш-иродасини, азму-ихтиёрини ифода этиши; иккинчидан — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ичида энг олий ўрин эгаллаши ва унинг тантанасини ҳеч қандай ҳуқуқ ёки ахлоқий қоида билан чеклаб бўлмаслиги; учинчидан — давлатнинг асосий ижтимоий-сиёсий масалалари фақат қонунлар асосида тартибга солиниши; тўртинчидан — қонунлар фақат республика миқёсидаги масалалар юзасидангина қабул қилиниши; бешинчидан — қонун нормаси ўзида инсон манфаатларининг, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини акс эттиришидир.

Бу борада Президентимиз И. А. Қаримов «Инсон ва давлат ўрғасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак»<sup>17</sup> лигини, «...Ўзбекистон ички миллий қонунларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиши»<sup>18</sup>ни алоҳида таъкидлайди; олтинчидан, конституция ва ҳар қандай қабул қилинажак қонуннинг мазмун ва моҳиятида ижтимоий адолат ғоялари ётмоғи зарур. «Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмағи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт»<sup>19</sup>.

Конституция ва қонун устунлигини эътироф этишимизда айнан конституцияга алоҳида эътибор билан тўхталсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Конституция давлатнинг, қолаверса, қонун ҳукмрон давлатнинг ажралмас ва бош қисмидир. Унинг теранлиги ва оҳанграбоси

<sup>15</sup> Одилқориев Х. Т. Қонун устуворлиги демократия ва адолат кафили// Конституция ва қонун устунлиги — Ўзбекистон тараққиётининг кафолати: Илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2000. 66-бет.

<sup>16</sup> Қаримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида//Ватан саждағоҳ каби муқаддасдир. 3-том, Тошкент, 1996. 354-бет.

<sup>17</sup> Уша асар. 17-бет.

<sup>18</sup> Қаримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли//Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент, 1996. 51-бет.

<sup>19</sup> Қаримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 10—11-бетлар.

Унда ҳуқуқий давлатнинг ва унинг ҳар бир аъсосини хатти-ҳаракатини ва мазмун моҳиятини мустаҳкамлайди. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек «...эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизда Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга тадбиқ этаётганимиз мужассамдир»<sup>20</sup>.

Конституциянинг устунлиги ҳуқуқнинг ҳукмрон бўлишига хизмат қилади ва қонунчилик тизимида унинг устувор мавқеини белгилайди. Ҳамма чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституцияга мос келиши Асосий қонунимизнинг 15—16-моддаларида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра қонунлар ва бошқа норматив актлар конституция асосида қабул қилинади.

Конституциянинг устунлиги унинг тадбиқ қилиниши ва ўзгартирилишининг ўзига хос тартиби билан белгиланади. Конституциядаги қоидалар олий юридик кучга эга бўлади. Конституциявий қонунчиликни муҳофаза қилиш учун махсус орган яратиб қўйилади.

**Конституциянинг барқарорлиги.** Конституция давлатнинг асосий қонуни бўлиб, узоқ муддат амал қилишга мўлжалланган. Конституциянинг барқарор амал қилиши унинг юридик хусусиятларидан биридир. Конституциянинг барқарорлиги давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва амалга оширилишининг, фуқаролар ҳуқуқий ҳолатини, жамият ва шахс муносабатларини, жамият ва давлатдаги ҳуқуқ-тартибот доимий равишда бўлишининг зарурий шартидир. Шу билан бирга, конституциянинг барқарорлиги унинг мутлоқ ўзгармас эканлигини билдирмайди. Конституция қабул қилинган даврдаги ижтимоий муносабатлар ўзгариши мумкин. Улар ривожланиб бораверади, такомиллашади, амалда бўлган конституциявий қоидаларни давр ўзгаришига қараб, ўзгартириб боришни тақозо қилади. Акс ҳолда, конституция тарихий аҳамиятга молик ҳужжатга айланиб қолиши, жамиятдаги муносабатларни тартибга солишда ўз аҳамиятини йўқотиши ва норматив ҳужжат бўлмай қолишининг хавотири туғилади. Жамиятдаги ўзгаришлар конституциявий тузум асосларига таъсир қилар экан, амалдаги конституцияни алмаштиришга тўғри келади. Масалан, 1978 йилги Ўзбекистон Конституцияси 1991 йилда мустақиллик эълон қилинганидан сўнг ва 1991 йилнинг августида иттифоқдан ажралиб чиқшимиз билан амалдаги қонун-қоидаларга тўғри келмай қолди, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қилди. Шунинг учун янги конституцияни ишлаб чиқиш ва қайта қабул қилиш объектив заруратга айланди. Ниҳоят ёш Ўзбекистон Республикаси ўз йўлида туб бурилиш ясаб, 1992 йилнинг 8 декабрида янги Конституциясини қабул қилди.

Янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, аввалги конституциялардан фарқлари шундан иборатки, у мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг устунлиги, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устунлигига эришишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, қонун устунлиги муаммоси бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир.

---

<sup>20</sup> Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантаналик маросимда сўзлаган нутқи//Халқ сўзи. 2000 йил, 8 декабр.

## ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз И. А. Қаримовнинг «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» маърузаларида ХХІ аср арафасида ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимиз ривожланишининг бош стратегик мақсади, стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятнинг, фаровон турмуш тарзининг, мазмун-моҳиятини эркинлаштириш ташкил қилади ва бу жараён ҳаётимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланиши таъкидланади<sup>1</sup>.

Бу устувор йўналиш амалга оширилмоқда, уни тасдиғини мамлакатнинг 2000 йилга мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичларни бажарилиши тасдиқлайди. Бу ҳақда И. Қаримов Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида алоҳида таъкидладилар<sup>2</sup>.

Бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида иқтисодий шароитни яхшилаш, иқтисодий тизимни такомиллаштириш ва иқтисодий ўсишга эришишда кенг ҳажмдаги эркинлаштириш жараёни муҳим роль ўйнайди ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи омил сифатида юзага чиқади. Эркинлаштириш тамойилининг мазмуни нарх-навоини белгилаш эркинлигини, савдо-сотиқ, тадбиркорликдан давлат назоратини, унинг бошқарувчи ролини чегаралашни, бозор инфратузилмасини ва рақобат муҳитини яратишни, хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришни, янги корхона, фирмалар тузиш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этилишини тақозоси билан белгиланади. Барқарорлик эса инфляцияни жиловлаш, миллий хўжалик ривожланишидаги, ташқи иқтисодий алоқалардаги номутаносибликларни енгиб ўтиш ҳамда уларга бўлган таҳдидни бартараф этиш билан боғлиқ. Бу икки, яъни эркинлаштириш ва барқарорлик ўзаро узвий боғланган ислохотларни мазмунини ифодаловчи жиҳатлар мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини ривожланишининг устувор йўналиши деб белгиланиши, Президентимизнинг шароитга тўғри баҳо беришлари ва устувор йўналишларни аниқ белгилаб олиш хусусиятлари мавжудлигидан далолат беради.

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш нима учун бугунги куннинг устувор йўналиши деб белгиланди? Эркинлаштириш изоҳли луғатларда эркин тадбиркорликни ёқлашни, демократия тамойиллари асосида иш тутишни, эркин фикрликни ифодаланиши деб таърифланган. Эркинлаштириш фуқаро ва хўжалик юритувчи субъектларга мустақил иқтисодий қарорларни қабул қилиш ҳуқуқини бериш билан бирга марказлашган иқтисодиёт тизимидан мерос қолган икки фундаментал муаммони — бузилган, ҳаётга мослашмаган рағбатлантириш тизимини ҳамда ахборотларни етишмаслиги, танқислиги масаласини ҳал этишга қаратилган. Эркинлаштириш ишлаб чиқарувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи)лар фаолиятини

<sup>1</sup> Қаримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз//Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. 2000 йил 22 январ. Тошкент, 2000. 7, 9, 17—19-бетлар.

<sup>2</sup> Қаримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз//Халқ сўзи. 2001 йил, 17 феврал.

фақат «...истеъмолчилар ҳуқуқи устунлигини»<sup>3</sup>, улар талабини рақобат кураши шароитида фойда олишга, нарх-навони талаб ва таклифнинг ҳаққоний муносабатларига мослигини таъминлашга мажбур этади. Айнан шунинг учун ҳам республика ҳукумати бу жараёни устувор йўналиш сифатида эътироф этди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш жараёни бу нисбий тушунча бўлиб, у ҳар доим ўзгариб туради, вақт ўтиши билан кенгайди ва такомиллашиб боради. Бунинг учун қуйидаги муҳим, лекин жуда мураккаб масалаларни ҳал қилишга тўғри келади:

Биринчидан, давлатни бошқарув ролини чегаралаш, бозор операциялари устидан белгиланган давлат назоратини минимал даражага ва келажакда эса уни умуман олиб ташлашга эришиш. Микроиқтисодиёт даражасида хўжалик юритувчи субъектларга максимал эркинлик бериш, давлатнинг координаторлик ролини фақат макроиқтисодиёт даражасидагина сақлаб қолиш ва бу борада Хитой тажрибасини андоза сифатида қабул қилиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. У мамлакатда ислоҳотлар бошидаги иқтисодий тизим ҳолати тўла ҳисобга олиниб макроиқтисодий бошқаришни корхоналар фаолиятини эркинлаштириш билан оқилона қўшиб олиб борилганлиги натижасида аҳолининг жамғармаларини ва умуман молиявий маблағларнинг кескин кўпайишига олиб келди. Бундай ҳолат ўз навбатида давлат корхоналарини молиялаштириш ташвишларини анча енгиллаштирди, натижада, давлатнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасидаги имкониятлари анча кенгайди. Ушбу тажриба бизда ҳам жорий этилса, албатта ислоҳотлар самараси янада юқори бўлади.

Иккинчидан, мамлакатда ишлаб чиқариш ва савдодаги монополияни тугатиш, бу борада Олий Мажлис томонидан қабул қилинган монополия тузилмалари фаолиятини чеклашга қаратилган, хусусан, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Табиий монополиялар тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларини тўла ишлашини таъминлаш масаласидир. Бу муаммони ҳал этиш йўлини И. Каримов ўз маърузаларида аниқ айтиб ўтдилар. Хусусан Президентимиз, аввало, монополияга қарши, қонунни кучайтириш, монополия тузилмаларини камайтириш ва тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш лозим деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда истиқлолдан сўнг миллий маданий меросимизга муносабат тубдан ўзгарди. Миллий давлатчилигимизни қайтадан тиклаш, халқимизнинг ўз тақдирига эгалик қилиш ҳиссини тарбиялаш, ўтмишда ота-боболаримиз ким эди, биз киммиз, қадриятимиз қандай бўлган, буларни кўтариш билан халқимизни, эзилган, хиралашган руҳини равшанлаштириш, дунёга танитиш билан тарихий илдизларимизга фарзандлик туйғуси билан мурожаат этишни тақозо этади.

Биз ўз тарихимиз, маданий меросимизни ташкил этган хазинасидан нимани олиш, нимани олмаслик кераклигини тўғри белгилашимиз, назарий жиҳатдан тўғри, амалий жиҳатдан фойдали бўлишини аниқ тасаввур қилмай туриб тараққиётга эриша олмаймиз. Энг аввало, таъкидлаш жойизки маданиятнинг ҳар иккала; моддий ва маънавий томони учун диалектиканинг инкорни инкор қонунидаги ворислик муаммоси тааллуқли бўлиб, бунга кўра ривожланиш тўғридан-тўғри олдинги тараққиёт даражасига боғлиқдир. Инсоният олдинги натижалар, қўлга киритилган ютуқларга таянмаганда маданият тараққиётида янги қадам қўйиш мумкин бўлмас эди.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Кўрсатилган асар. 443-бет.

Шўролар давридаги чалик ўтмишни кескин инкор қилган бирор-бир жамият бўлмаган. Бироқ, шўролар капитализмини тугатиш билан унда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш кучларини йўқотиб юбормади, балки унинг техникаси, фани, фалсафасини ва ҳоказоларни ривожлантирилди. Бунда гўё орқага қайтиш, такрорланиш бўлганга ўхшайди.

Демак, тараққиёт бор жойда такрорланиш (лекин, юксак даражада такрорланиш) сўзсиз ворислик ҳам бордир. Тараққиёт янгининг вужудга келишидир.

Кўриниб турибдики, ўтмишни тўғри талқин қилиш ва ҳақиқатни асл ҳолича ёритиш негизда масъулият ҳисси, эиёлининг масъулияти, аниқроғи масъулиятсизлиги тарихга ҳам, муайян даврга ҳам, келажакка ҳам қимматга тушиши мумкин.

Масъулиятсизликнинг оддий кўриниши сиёсий масъулиятсизлик, сеператизм, сиёсий сафсатабозлик, сиёсий калтабинлик, найрангбозлик, қаллоблик ва бошқа хунук ҳодисалар жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатиб нохуш ҳодисаларни келтириб чиқаради.

Жамият тараққиёти ўтмишдаги, ўзидан олдин ҳар қайси даврни инкор қилиш билан бирга инсоният томонидан олдинги босқичда яратилган барча нарсаларни прогрессив ижобий мазмунини ўзида сақлаб қолади.

Инсоният тарихий прогресс пиллапоясининг бир поғонасидан иккинчи поғонасига, бир иқтисодий-ижтимоий тузумдан бошқасига ўтганда ҳар сафар, ҳар қандай тизим ўз ичида ҳаракатни амалга ошириб бўлгач, ўзининг моддий ва маънавий маданиятини тубдан янгидан яратиб ўтирмайди, балки олдинги эришилган ютуқларга таяниб ривожланишни олға томон давом эттиради.

Ҳар қайси авлод кишилар учун ўроқ, болға, теша, болта, кетмон, олов, кийим-кечак ва ҳоказоларни ҳар сафар қайтадан кашф қилишга ҳеч қандай зарурият йўқ.

Агар биз ўтмишни бутунлай инкор қилсак, бу диалектик инкорнинг энг муҳим лаҳзалари бўлган такрорланиш ва ворисликни ҳам инкор қилиш бўлур эди.

Бундай инкор нигилистик (қуруқ, ёппасига) инкор бўлиб бунини метафизиклар ҳам тан оладилар, у тараққиёт учун ўрин қолдирмайдиган ялли ва мутлоқ инкордир.

Шу боис тараққиёт жараёнида ворислик тушунчасини таҳлил қилмай туриб инкор қилувчи билан, янги билан эски ўртасидаги алоқадорликни, эски билан янги, ўтмиш билан келажак ўртасидаги алоқадорликнинг асл моҳиятини, тараққиёт диалектикасини билиш мумкин эмас. Чунки ҳар бир ҳодиса айният билан тафовут бирлигидан иборат.

Жамият тараққиётининг бирдан-бир шартини ва ҳақиқатини шуки, бир томондан маданиятдаги барча эскирган нарсалардан воз кечмай (инкор этмай) туриб, иккинчи томондан эса қўлга киритилган барча ижобий ютуқлардан фойдаланмай туриб тараққиётга эришиб бўлмайди.

Бунда ворислик ва мерос масалаларини аралаштириб юбориш ярамайди. Фалсафий адабиётда ворислик ва мерос тушунчаларини чегаралаш фикрлари кўтарилган бўлсада, ҳанузгача бунга кам эътибор берилган.

Ворислик объектив характерга эга бўлиб, одамларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар бир давр маданиятида келажак авлод учун керакли томонлар билан бошқа унсурлар ҳам бўлади, улар нафақат фойдасиз, ҳатто тараққиёт учун зарарли ҳамдир.

Биринчидан, ворислик умумфалсафий категория сифатида ҳам ижтимоий, ҳам табиий фанлар соҳасида ишлатилса, миллий мерос

фақат маданият соҳасида содир бўлаётган жараёнларга нисбатан қўлланилади.

Иккинчидан, ворислик категорияси воқеа ва ҳодисаларнинг объектив алоқадорлигини акс эттиради, мерос эса, қонуний ворисликнинг англаган (субъектив, кишиларга тааллуқли томони) олдинги аждодларнинг маданий қадриятларини танқидий баҳолаб, улардан ижодий фойдаланишни англаб олинган ҳаракатни талаб этади.

Ҳар бир янги авлодни маданияти, ҳар бир янги тарихий давр, ўтмиш тарихий даврлар маданияти билан боғлиқдир. Бутун тарих инсон табиатини тобора ўзгартириб боришга гувоҳлик бериб, ибтидоий тараққиёт бугунги ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият, умуман инсоннинг ақлий камолоти бўлмаган бўлур эди.

Мерос жараёнининг моҳияти жамият олдида турган вазифаларни англаган ҳолда (бу англашнинг даражаси ҳар қайси жамиятда, тузумда турлича) танқидий ёндашишдир. Бу яна бир марта шуни кўрсатадики, ворислик меросга нисбатан анча кенг тушунчадир.

Бундан ташқари ўтмиш моддий маданиятида ворислик билан ўтмиш маънавий маданиятидаги ворислик бир хил эмаелигини ҳам унутмаслик керак. Моддий маданиятда ўтмишнинг барча ишлаб чиқариш қуроллари иншоатлар, моддий бойликлар, завод-фабрикалар, бинолар асосан инкор қилинмай тўлалигича сақлаб қолишади. Маънавий маданиятда эса маданий меросга танқидий кўз билан қараш принципига таянилади. Мерос ўтмишнинг барча сарқитларини ворисликнинг нохуш, номақбул кўриниши сифати унга қарши курашишни тақозо қилади. Ворисликда эса нафақат яхши томонлар, балки янги замон талабига тўғри келмайдиган томонлар ҳам янги жамиятдаги ворис тариқасида ўтган бўлади.

Ўтмиш бу — халқ, миллат, мамлакатга тааллуқли бўлибгина қолмай, балки жаҳон халқлари ўтмиши ҳам бўлганлиги учун улар тарихида қадимдан турли боғлиқлик, алоқадорлик бўлиши табиийдир.

И. Қаримов айтганидек, ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, мамлакатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсири-нинг маҳсулидир...

«Қимгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз»<sup>3</sup>.

Қатор сабабларга кўра биз ўтмишимизни жуда кам биламиз. Айниқса, сўнгги икки аср мобайнида дунёда бизнинг халқимизчалик кўп жабр-ситам кўрган бирор халқ топилмаса керак.

Бироқ, ўтмишга қувониб ҳадеб тинимсиз ўтмишдаги алломаларни номларини такрор-такрор санай бериш билан тараққиёт бўлиб қолмайди. Аждодлар меросига содиқ қолган ҳолда улардан-да кўпроқ, буюкроқ, машҳурроқ, донғи оламга кетган янги авлод алломаларини етиштириш мустақилликнинг энг буюк вазифасидир.

Зулм ва зўравонликка, ғирромликка ва сохталикка асосланган, марказлашган маъмурий буйруқбозлик давридаги «шовинистик байналмилалчилик» коммунистик дунёқараш мафкураси миллий мафкурада душман қиёфасини кўрганлиги боис бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига ёт эди.

Яқин-яқингача мафкура миллий бўлиши мумкин эмас, фақат синфий ва партиявий бўлади, деб «миллат», миллий характер (фёлатвор) «миллий психология» (руҳият) каби тушунчалар миллатчилик деган сўзга тенглаштирилиб 30—50-йилларда халқимизнинг асл фарзандлари пешонасига ана шу тамға босилиб қатағонлар қилинди. Шу-

<sup>3</sup> Қаримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд. Тошкент, 1999. 142-бет.

нинг учун ҳам эндиликда бундай мафкурадан воз кечиб ўз миллий истиқлол мафкурамизни яратмоқдамиз.

Ўтмиш фақат олдинги даврлардан иборат бўлиб қолмай, балки ҳар бир даврнинг ҳам ўз ўтмиши, жумладан, мустақиллигимиз даврида вужудга келиб ўтмишга айланиб бораётган ўз эскиси — ёмон томони ва ўз янгиси — яхши томонлари, нарса ва ҳодисалари бўлишлигини ва ҳар қандай янги яхши бўлавермаслигини ҳам унутмаслик керак. Бугунги кундаги диний экстремизм ва фундаментализм (Наманган вилояти), коррупция ва жиноятчилик, уруғ-аймоқчилик (Самарқанд, Навоий ва бошқа вилоятлар) бунга мисолдир.

Шундай қилиб, маданиятда, умуман жамият тараққиётида мумтоз меросдан фойдаланиш, ворислик, такрорийлик, маданий меросга қарашдаги икки хил: 1) примитив, анархистик, яъни ўтмиш маданиятини ҳеч қандай танқидсиз тўлалигича қабул қилишга ундовчи ва 2) нигилистик, яъни ўтмиш маданиятини бутунлай инкор қилувчи қарашларни чуқур ўрганиш катта назарий ва сиёсий аҳамиятга эгадир.

«Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган»<sup>4</sup>.

Маданий меросни кенг маънода тушуниш ва ҳар бир миллат маънавий қадриятларини умумбашарий мезон асосида тадқиқ этиш, замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда фикр юритиш мустақиллик фалсафасининг зарур талабидир.

<sup>4</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. 524-бет.

О. МАМАТОВ

## ВАТАНПАРВАРЛИК — МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида ватанпарварлик туйғуси марказий ўринни эгаллайди. Мустақиллик ва ватанпарварлик бир-бирига яқин тушунчалардир. Ватан мустақиллиги, халқ фаровонлиги, эркин ҳуқуқий муносабатлар, одамларнинг руҳий тетиклиги, маърурлиги — Ватан озодлигидан бошланади. Шунинг учун ҳам халқ мақолида: «Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас», — деб бекорга айтилмаган. Мустақиллик туйғуси инсонда гўдақлидан бошланади. Оилада гўдакнинг ҳар бир мустақил ҳаракатидан ота-она завқ олади. Инсон мустақиллиги, оила мустақиллиги ва Ватан мустақиллиги бир-бирига узвий боғлиқдир. «Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб юксала боради»<sup>1</sup>. Президент И. Каримов ватанпарварлик тушунчаси жуда чуқур маънога эга эканлигини, унинг моҳияти юксак туйғуларга чорлашини таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, ватанпарварлик — ўтмиш-ни англаш, аждодларимизга нисбатан чуқур ҳурматни уйғотиш ва шу орқали ўзлигини англаш билан узвий боғлиқдир. Ўзлигини англаган инсонгина Ватанни англайди. Ўзликни англаш, Ватанни англаш, булар шунчаки инсоннинг ёки халқнинг ўзигагина бўлган муносабатини ифодалайди. Ўзликни ва Ватанни англаш диалектик хусусият касб этиб, улар жуда чуқур муносабатларни ифодалайди. Ўзликни ва Ватанни англаш Президентимиз томонидан қўйилган «Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синоатмиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қан-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман//Фидокор. 2000 йил, 8 июн.

да: бўлади»<sup>2</sup> — каби чуқур фалсафий хусусиятга эга бўлган саволларга жавоб беришдан бошланади. Миллий ўзликни англаш, бу ўтмишни, ҳозирги жаҳон халқларининг бизга бўлган муносабатини, бизнинг жаҳон халқларига бўлган муносабатимизни англашдан иборат бўлса, Ватанни англаш туғилиб ўсган юртимизни, халқимизни, унинг улуғворлигини англашдан иборатдир. Инсон дунёга бир марта келганидек, унинг Ватани ҳам биттадир. Шоир айтганидек:

«У сенинг мужгонинг, қароғинг, кўзинг,  
Орзу-ю армонинг, у — айтар сўзинг,  
Иймонинг, виждонинг, у — сенинг ўзинг,  
Бобонг у, момонг у, у — мунис она,  
Ватан ягонадир!  
Ватан ягона!»<sup>3</sup>

Ватан туйғуси нозик туйғу бўлиб, бу туйғу заминда жуда катта маъно ётади. Ватан нафақат туғилиб ўсган жой, балки шу билан биргаликда, шу ернинг одамлари, уларнинг урф-одатлари, анъаналари, руҳияти ҳамдир. Шунинг учун ҳам дунёнинг бир чеккасида юртдошини учратиб қолган одам унда ўз Ватанини кўргандай бўлади. Ватан ҳимоясига отланган одам ўз ота-онасининг, фарзандининг, ёрининг, она халқининг ҳимоясига отланади. Шу ўринда жаҳон халқлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак озодлик, эркинлик учун бўлган курашлар тарихи — бу ватан мустақиллиги учун бўлган курашлар тарихидан иборат эканлигини кўрамиз.

Халқ мақолида «Одам Ватанни севар, булбул чаманни», деб бежиз айтишмаган, ёки буюк бобомиз Алишер Навоий:

Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш,—

деган мисраларида Ватан ва мустақиллик туйғулари ўзаро диалектик алоқадорликда эканлигини англаймиз.

Ватан мустақиллигини таъминлаш ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан бошланади.

Ватанпарварлик жуда улуғвор тушунча бўлсада, ундан мафкуравий душманлар жуда нозик усуллар билан ўзларининг қабих ниятларини амалга оширишда моҳирлик билан фойдаланишга уринадилар.

Бугунги кунда ана шундай «ватанпарварлар» ортидан эргашган жуда кўплаб ёшларимиз ватангадоларга айланиб қолганлари сир эмас. Улар порлоқ келажак ҳақидаги ёлгон ваъдаларга учиб ана шундай аҳволга тушиб қолганлар. Утиш даврининг қийинчиликларига даш бера олмаган, мустақилликнинг улуғвор эканлигини англаб етмаган ёшлар озгина манфаат ортидан қувиб Ватанни сотишга, ўз ота-оналари, опа-сингиллари, ака-укаларига қарши қурол ўқталишгача бўлган қабих ишларга қўл урдилар.

«Биринчи галда соғлом фикрловчи, шу азиз Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб билладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор масъулиятни зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, фидойи, изланувчан ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш зарур»<sup>4</sup>.

Кўплаб ёшларимиз бу хатоларни англаб етмоқдалар. Лекин: «Манфаатпарастлик йўлида қилинган ҳар бир қинғир иш, у қанчалик

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997. 3-бет.

<sup>3</sup> Кўчимов А. Ватан ягонадир//Қиёфа. Тошкент, 1996. 6-бет.

<sup>4</sup> Каримов И. А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин// Мулоқот. 1999. 1-сон. 5-бет.

баландпарвоз таъриф-тавсифларга ўралмасин, фатволар тўқиб чиқарилмасин, барибир Ватанга хиёнатдир»<sup>5</sup>.

Президентимиз И. Қаримов шунингдек, ана шу ёшларнинг келажакда баркамол инсон бўлиб етишишлари учун курашиш зарур эканлигини таъкидлаб ўтади.

«Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан бир қаторда, ҳали у даражага етмаган қанчадан-қанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимизда нақадар катта муаммолар турганлигини яққол тасаввур этаман».

Мустақиллик мафкурасини яратишда И. Қаримов мафкура назариясида яна бир тушунчага, яъни «мафкуравий иммунитет» тушунчасига эътиборни қаратади. Бу тушунча ҳозирги мафкуравий кураш авж олган даврда жуда муҳим аҳамият касб этади. Мафкуравий иммунитет бўлмаса, ғоявий душман ундан икки хил усул билан фойдаланиши мумкин. Биринчидан, мустақиллик мафкурасидаги ватанпарварлик, халқпарварлик каби тушунчаларни нотўғри йўлга буриб юбориши, иккинчидан, бошқа бирор мафкурани унга қарши қўйиши мумкин. Мафкуравий иммунитет ана шундай салбий ворислик элементларига эргашиб кетмаслик учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Токи улар (фарзандларимиз — *Маматов О.*) миллий илдишлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастнинг «даъвати» ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказма олмайди<sup>6</sup>.

Мафкуравий иммунитет аввало мустақил тафаккур билан узвий боғлиқ. Чунки мафкуравий иммунитетга эга киши деганда, турли хил мафкураларга ақл кўзи билан қарайдиган, ҳиссиётга берилмайдиган, мустақилликнинг моҳиятини тушуна оладиган, Ватаннинг нима эканлигини ҳис эта билган киши назарда тутилади. Мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишда мустақиллик мафкурасига садоқатни уйғотишда албатта умумхалқ манфаатларидан келиб чиқмоқ лозим.

Ватанпарварлик мустақиллик мафкурасининг шаклланишида муҳим тушунча экан, демак, Ватан нима эканлигини чуқур англаб етиш керак. Кўпчилик киши; Ие! Буни ким ҳам билмайди?, дейиши мумкин. Аслини олганда Ватан ниҳоятда нозик тушунча, уни нотўғри англаш ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқариши, мустақиллигимизга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Ватан туйғуси ҳар бир инсонда бўлади, лекин Ватан тушунчаси, унинг белгилари нима? Яқин ўтган кунларда ўзбекми, русми, қозоқми, бундан қатъи назар, «Ватанимиз — СССР» дер эдик. Ватанни ўз маъносидан кенг тушуниш, мантиқан олиб қаралганда хато. Биринчидан, Ватан инсон яшаб турган ҳудудгина эмас, иккинчидан, инсон бу ер — менинг Ватаним, — дегани билан унинг Ватани бўлиб қолавермайди.

Ватан бу инсоннинг туғилиб ўсган ери, урф-одатлари, анъаналари, маданияти, турмуш тарзи, руҳияти, тили бирлигидир. Муқаддас туپроғимизга эҳтиром, урф-одатларимизга, маданиятимизга, тилимизга садоқат, уларни авайлаш, уларнинг шон-шухрати учун курашиш, керак бўлса жонини фидо қилиш — ватанпарварликдир.

Демак, ватан ва халқ, ватан ва миллат тушунчалари узвий алоқадорликда. Инсон ватандан йироқ бўлганда ҳам ватани билан бирга бўлади, бунинг маъноси шуки, у четда ҳам ўз миллатининг, халқининг турмуш тарзини, маданияти, урф-одати, тилини олиб кетади.

<sup>5</sup> Қаримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, 1995. 53—54-бетлар.

<sup>6</sup> Қаримов И. А. Хушёрликка даъват. Тошкент, 1999. 20-бет.

«Ватанимиз — СССР», деган тушунча, миллат урф-одатини, маънавият, руҳият бирлигини менсимас эди. «Ватандан қариндошимиз келганини эшитдим-у, қушдай учиб Вашингтондан Нью-Йоркка бордим. Мен ўзбекча каломни соғинган эдим. Ё алҳазар! Ватандошим она тилида гапира олмас экан (Мунаввархоним ўқинчлари)»<sup>7</sup>.

Тилга, маънавиятга, ўз миллатига менсимасдан муносабатда бўлиш, ватанпарварлик туйғусини пасайтиради. Юқоридаги парчага эътибор билан қарасак, Мунаввархоним бир инсонни ёки қариндошини кўргани келган эмас, уни Вашингтондан Нью-Йоркка бошлаб келган нарса Ватан соғинчи. У қариндошида Ватаннинг бир парчасини кўргани келган. Афсуски, у ватанини кўра олмади, чунки қариндошида ўзбекона урф-одат, маданият, ҳаттоки тил ҳам унутилган эди.

Ватанни тор маънода тушуниш ҳам жамият учун, ҳам давлат учун хавфлидир. Ватанни фақат ери, вилояти, воҳаси ёки водийси, деб тушуниш ватаннинг бутунлигига, унинг қудратига путур етказади. «Муайян ҳудудий фарқларни мутлақ ҳодиса даражасига кўтариш энг хавфли хатодир»<sup>8</sup>. Президент И. Каримов ватанпарварлик тушунчасини тор маънода англаш ватан тақдири учун ҳалокатли эканлигини, ватанпарварлик тушунчасини салбий ворислик асосида маҳаллийчиликка ва уруғ аймоғчиликка йўйишга олиб келишини теран фикрлар орқали исботлаб берган. «...Ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик, унинг тажовузкорлиги миллатнинг жипс-лашувига ҳалақит беради. У муқаррар суръатда ички сепаратизмга ва маданий маҳдудликка олиб боради. Давлат ҳамда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига бир қатор бошқа таҳдидларни туғдиради»<sup>9</sup>.

Ватанпарварликни мустақил Ўзбекистонга нисбатан оладиган бўлсак, бу аввало бутун Ўзбекистон ҳудуди, бутун Ўзбекистон халқларининг манфаатларини ҳимоя қилиб ва шу манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ўз манфаати, жамият манфаати учун жонини фидо қилишга тайёр кимсаларгина ҳақиқий ватанпарвардир.

Маҳаллийчиликка асосланган, уруғ-аймоқчиликка асосланган сохта ватанпарварлик, аввало ўша ҳудуднинг ўзи учун ҳам хавфлидир. Халқимизда «айрилгани айиқ ер» деган мақол бежиз айтилмаган. Ватанпарварликни тор маънода ҳам, кенг маънода ҳам тушуниш билиб туриб, ёки билмасдан амалга оширилиши мумкин. Масалан, «Ватанимиз — СССР», деган тушунчани оладиган бўлсак, ўзбек миллати ҳақида, унинг тарихи ҳақида ёзиш, кўп ҳолларда миллатчиликда айбланган ва миллатнинг илғор кишилари таъқиб остига олинган. Бу атайлабдан мафкуравий тайзиқ асосида амалга оширилган, албатта. Ҳар кун эрталаб туриб «Ассалом рус халқи», деган сўзлар билан кунимизни бошлардик ва фожиа шундан иборатки аҳолининг аксарият қисми бунга кўниккан ва унинг ғурурига ҳеч қандай таъсир этмасди.

«Миллий туйғуга эга бўлмаган киши миллий ватанпарварлик туйғусига ва ғурурига ҳам эга бўлмайди ҳамда бошқа миллат вакилини ҳурмат қилишни ҳам билмайди»<sup>10</sup>.

Бугунги кунда шаклланаётган миллий истиқлол мафкураси инсонлар онгида миллий ғурур, Ватан, инсонпарварлик каби муқаддас туйғуларни уйғотишда, ўзликни англашда беқиёс буюк вазифани бажармоқда.

«Ғурур инсоннинг ўзлиги, миллатнинг кўрки, ғурури бор элнинг саноқда ҳисоби, оламда эъзози бор. Оламда тарафкашлик, эллараро

<sup>7</sup> Кўчимов А. Қиёфа. 55-бет.

<sup>8</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... 103-бет.

<sup>9</sup> Ўша асар 104-бет.

<sup>10</sup> Абдураҳмонов А. Миллатлараро муносабатлар муаммоларига оид// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1990. 7-сон. 17-бет.

зиддият бор экан, ғурур ўз қимматини йўқотмайди. Жанг-жадалда го-  
либ келган эл, мағлубнинг ғурурини эринмасдан, мунтазам равишда  
поймол этиб бораверади. Поймол этилган ғурур ўрнига қўрқув уруғ-  
лари сепилади. Ўзликда қўрқув пайдо бўладими, элнинг косаси оқар-  
майди: хиёнат, сотқинлик, элфурушлик авж олади»<sup>11</sup>.

Шунингдек, маҳаллийчилик ҳам кўп ҳолларда ўз атрофига ўзи-  
нинг ишончли шерикларини йиғиб олиш ва ўз ҳокимиятини шулар  
асосида мустақамлашга бўлган интилишдан келиб чиқади. Маҳал-  
лийчилик кайфияти Ўзбекистонда секин-асталик билан йўқолиб бор-  
моқда. «...Бизнинг ҳар қандай босқинчиликка, ҳар қандай бузғунчи-  
ликка қарши қудратли ва ишончли қуролимиз бор.

Бу — халқимизнинг бирлиги, жипслигидир»<sup>12</sup>.

Ўтмишдан бизга салбий ворислик асосида ўтган уруғ-аймоқчилик,  
маҳаллийчилик каби «ярамас меросдан халос бўлиш зарурияти дав-  
латимизнинг бош стратегик вазифаларидан бирига асос бўлмоқда»<sup>13</sup>.

Гап ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш устида борар  
экан, Ватан тўғрисидаги баландпарвоз шиорларнинг ўзи камлик қи-  
лади. Уларда мафкуравий иммунитетни тиклаш билан бир қаторда  
жисмоний ва руҳий жиҳатдан ҳам тайёрламоқ зарур эканлигини эс-  
дан чиқармаслигимиз керак. Ҳақиқий ватанпарварликнинг амалда  
намоён бўлиши ана шу уч бўғиннинг бирлигида намоён бўлади. Чунки  
ҳар доим ҳам мафкуравий иммунитет руҳий иммунитетга алоқадор  
эканлигининг мафкура ижтимоий руҳиятга асосланган тақдирдагина  
қудратли кучга айланишини эсдан чиқармаслигимиз керак ва ниҳоят,  
жисмонан соғлом авлодгина Ватан ҳимоясини таъминлай олади. Шунинг  
таъкидлаш лозимки, жисмонан соғлом, эс-ҳушли, одобли айрим йи-  
гитларимизнинг мафкуравий заифликлари туфайли турли таъсирлар-  
га берилмоқдалар. Шунинг унутмаслик керакки, бугун Марказий Осиё  
давлатлари ана шундай мафкуралар тўқнашган ҳудуддир.

Бугун «Уруш» оловининг тафтини Ватанимиз чегараларида шун-  
доқ сезиб турибмиз. «Мақсадлари, вазифалари ҳамда дастурий йўна-  
лиши бўйича «Толибон» ҳаракати жангари, ўта радикал диний таш-  
килотдир. «Толиблар» Афғонистонда ҳокимиятни қўлга киритиш би-  
лан чекланмасдан, ўз мафкураларини қўшни мамлакатларга, энг ав-  
вало Марказий Осиё минтақасига ёйиш учун барча чора-тадбирларни  
кўришлари эҳтимолдан ҳоли эмас»<sup>14</sup>. Халқимиз нафақат мафкуравий  
тайзиққа, балки ҳарбий зўравонликка қарши тайёр туришлари лозим,  
айниқса, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ватан-  
парварликни шакллантиришнинг энг муҳим жиҳатларидандир.

Ўзбекистон мустақиллиги мафкурамизнинг кучлилиги билан бир-  
галикда, ҳар томонлама қудратли, ҳарбий маҳоратни чуқур эгаллаган  
армияга ҳам боғлиқ. «...у ёки бу ижтимоий муаммони ҳал қилишда  
фақат ахлоқий меъёрларга, уларнинггина кучига мурожаат этиш —  
жамиятнинг қудратидан эмас, балки аксинча, унинг заифлигидан да-  
лолат беради»<sup>15</sup>.

Ўзбекистон ҳукумати доимо куч ишлатмаслик, муаммоларни тинч  
йўл билан ҳал этиш тамойилини қўллаб-қувватлаб келган. Лекин дунё-  
да шундай кучлар мавжудки, улар Ўзбекистонни ҳам минтақавий,  
халқаро можароларга мафкуравий йўл билан тортишга уринмоқда-  
лар.

<sup>11</sup> Расулов А. Ўзликнинг таянч нуқтаси//Мулоқот. 1997. 4-сон. 54-бет.

<sup>12</sup> Қаримов И. А. Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови.  
7-жилд. Тошкент, 1999. 23-бет.

<sup>13</sup> Қаримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... 103-бет.

<sup>14</sup> Қаримов И. А. Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови.  
7-жилд. 164-бет.

<sup>15</sup> Жалолов М. Манфаатлар мувозанати посангиси//Мулоқот. 1997. 4-сон.  
67-бет.

Ўзбекистон — тинчликсевар халқ. «Лекин ўз сарҳадларимизни мустақкамламасдан, жангавор қобилияти юқори, замонавий қурооллар билан жиҳозланган, ҳар қандай босқинчининг ақлини киритиб қўйишга қодир қуроолли кучларсиз тинчлик, осойишталик ва Ватанимиз хавфсизлигини сақлаб туриш мумкин эмас»<sup>16</sup>.

Бугунги нотинч дунёда Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя этувчи ёшларимиз беҳисоб, улар керак бўлса жонларини фидо қилувчи, Ватаннинг ҳар бир қарич тупроғини муқаддас билувчи ёшларимиздир. Масалан: Сурхон тоғларида халқнинг осойишталигини сақлаш учун жонини фидо қилган лейтенант С. С. Содиқов, катта лейтенант А. С. Салимов, лейтенант Б. А. Ғаниев, катта сержант М. А. Ражабов, сержант У. Барноевларнинг жасоратлари халқимиз хотирасида, Ватан тарихида абадий сақланиб қолади. Улар ёшларимизга ҳамиша ўрнак бўлиб қоладилар. «Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш — ҳаётимизнинг маъно-мазмунига айланиши керак»<sup>17</sup>.

Ўзбекистон — кўп миллатли давлат. Бу юрт нафақат ўзбекларнинг, балки шу юртда туғилиб ўсган ҳар бир фуқаронинг ватанидир. Шунинг учун ҳам Т. Файзуллаев ватанпарварлик тушунчасини шакллантиришда байналминал тарбиянинг зарур эканлигини тўғри таъкидлаб ўтади. «...ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, айти чоғда ҳар бир ёшлар тўла маънода байналминалчи бўлишини ҳам тақозо қилади. Зеро Ўзбекистонда бугунги кунда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Халқимизнинг бошқа халқларга муносабати ижобийдир, юртимизда бошқа халқлар вакилларига оқилона қараш, уларга меҳрибонлик қилиш маънавий бурчга айланган»<sup>18</sup>. Ўзбекистон ўзининг ҳар бир фуқаросини миллати, ирқи, ёши, қайси тоифага мансублигидан қатъи назар ўз ҳимоясига олади, ўз навбатида ҳар бир фуқаро Ўзбекистонни севиши, ардоқлаши, керак бўлса жонини фидо қилишга тайёр бўлиши керак.

Шундай қилиб, ватанпарварлик, мустақиллик мафкурасининг асосий ғояларидан биридир. У ҳам сиёсий, ҳам эстетик, ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий туйғудир. У инсонийликнинг юксак кўринишидир.

Мустақиллик ва ватан озодлиги бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг бирисиз иккинчисининг бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашда Ватанни ҳар томонлама, чуқур билимлар асосида ўргатиш жуда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, бу билимлар миллий ўзлиқни англашда ҳам катта роль ўйнайди. Шунини эътироф этиш керакки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач ва бозор муносабатларига қадам қўйиши билан миллий ўзлиқни англаш жараёни жадаллик билан амалга оша бошлади.

Лекин шуни ҳам қайд этиш керакки, Ватанни ва ўзлиқни англаш ҳаммада ҳам бир хил тарзда амалга ошмайди. Айниқса Ватанни тор, ҳудудий маънода англаш баъзи ҳолларда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ҳис-туйғуларини келтириб чиқаради.

Ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашда Ватаннинг энг нозик ва улуғвор тушунча эканлигига эътиборни қаратиш лозим. Уларда ватанпарварлик ва миллий ғурурни шакллантириш ватан тақдири, халқнинг келажаги учун энг муҳим масалалардан биридир. Зеро, Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади ва келажак тақдири ҳам ёшлар қўлидадир.

<sup>16</sup> Каримов И. А. Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови. 168-бет.

<sup>17</sup> Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи//Фидокор. 2000 йил, 1 сентябр.

<sup>18</sup> Файзуллаев Т. Истиқлол мафкураси ва ёшлар тарбияси//Ўзбекистон мустақиллигини мустақкамлашнинг долзарб масалалари. Наманган, 1994. 52-бет.

## КУЛЬТУРНЫЕ СВЯЗИ УЗБЕКИСТАНА И КЫРГЫЗСТАНА В УСЛОВИЯХ НЕЗАВИСИМОСТИ

Развивающиеся между двумя суверенными государствами: Узбекистаном и Кыргызстаном — культурные связи имеют глубокие корни и уходят в глубь веков. В новых условиях культурный аспект обретает исключительно важное значение в процессе углубления и расширения взаимовыгодного сотрудничества между Узбекистаном и Кыргызстаном. «Мы уделяем первостепенное внимание укреплению и развитию многосторонних связей и тесного сотрудничества с государствами Центральной Азии»<sup>1</sup>, — указывал Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов. Братские народы этого обширного региона «накрепко сроднились общей историей, единими культурными традициями, схожим укладом жизни и менталитетом и многим другим»<sup>2</sup>.

Основные принципы и направления взаимоотношений братских республик во всех сферах, в том числе в культуре, были выработаны на встречах глав двух государств в 1991—1992 гг.<sup>3</sup> На последующих встречах эти принципы и направления были конкретизированы и, естественно, наполнены новыми идеями. При этом главы государств исходили из необходимости сохранения и приумножения многолетних традиционных культурных связей, а также координации научных исследований по общим проблемам регионального значения.

В новых условиях расширились контакты ученых двух государств. В марте 1992 г. президенты Академий наук обеих республик — М. Салахитдинов и И. Айтматов, принимавшие в Ташкенте участие в совещании руководителей Академий наук Средней Азии и Казахстана<sup>4</sup>, выработали программу научного и научно-технического сотрудничества между узбекскими и кыргызскими учеными во всех областях. Руководители научных центров двух стран пришли к единому выводу о необходимости развития самых современных направлений знаний — молекулярной биологии, биотехнологии, кибернетики и т. д. Девизом этой встречи стало изречение: «Науке не должно быть границ».

Научные контакты ученых в решении многих проблем приносят ощутимые результаты. Весьма ценными стали научные исследования ученых Узбекистана и Кыргызстана, объединивших усилия для поиска эффективных методов борьбы со сходом снежных лавин, оползней, селевых потоков, снизив тем самым ущерб от многих опасных природных явлений. Учеными на основе глубинных сейсмических исследований Северного Тянь-Шаня разработана методика определения электромагнитных предвестников землетрясений.

Ученые-обществоведы наших стран участвуют в работе по составлению 10-томного свода памятников истории и культуры народов Средней Азии и Казахстана, словарей лингвистических терминов тюркоязычных этносов.

В культурном сотрудничестве двух государств значительную роль играют творческие союзы и их областные отделения. В новых условиях творческие работники прилагают все усилия к тому, чтобы колоссальный пласт культуры братских народов, до недавнего времени скрытый от общества, вновь стал достоянием народа. Лучшие пред-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Ташкент, 1995. С. 104.

<sup>2</sup> Там же.

<sup>3</sup> См.: На пути сотрудничества и прогресса (Материалы встреч глав государств Центральной Азии). Ташкент, 1992.

<sup>4</sup> Правда Востока. 1992. 4 марта.

ставители театрального, музыкального, хореографического искусства, культпросветработы, библиотечного дела, архитектуры направляются для обмена опытом и оказания методической и практической помощи.

Одной из форм культурного сотрудничества стало творческое общение узбекских и киргизских журналистов. Как известно, в г. Оше, Ошской и Джалалабадской областях компактно проживает большое количество узбеков. А в Ферганской долине компактно проживают десятки тысяч киргизов. В переходный период необходимо объективно и беспристрастно освещать ход осуществляемых реформ, укреплять веру людей в завтрашний день. В этих целях с 1994 г. регулярно встречаются творческие коллективы редакций газет Андижанской и Ошской областей («Андижанская правда» и «Эхо Оша») для обмена опытом по улучшению освещения жизни наших соседних народов. Журналисты обмениваются мнениями о работе газет, дают советы своим коллегам печатать критические и аналитические статьи, отмечают успехи и недостатки в работе творческих коллективов<sup>5</sup>.

За годы независимости была проделана огромная работа по созданию необходимых предпосылок для удовлетворения духовных потребностей узбеков и киргизов, проживающих в сопредельных государствах. Так, в Ошской области Кыргызстана издаются две узбекские газеты. В «Андижанской правде» журналисты открыли постоянную рубрику «У наших соседей». Эти газеты освещают жизнь и экологию обеих стран.

Периодическая печать на родном языке представителей диаспоры является своеобразным «окном» в мир исторической родины. Вот почему так важно найти рычаги взаимобмена информационной продукцией любого вида, будь то газеты, журналы, бюллетени и т. д.

В культурном сотрудничестве двух братских народов важное место отводится просветительской работе на самом высоком уровне. Так, в Кыргызстане широко прошли празднования 600-летия Мирзо Улугбека и 660-летия Амира Темура. По постановлению правительства Кыргызстана торжества, посвященные Амиру Темуру, проводились в городах, кишлаках и аулах, вузах, культурных центрах, научно-исследовательских учреждениях. В школах и училищах состоялись уроки Амира Темура. Эти мероприятия, прошедшие в исключительно торжественной атмосфере в Ошской и Джалалабадской областях (где узбеки составляют более 60% населения), а также в столице Кыргызстана — Бишкеке, вылились в праздник нерушимой дружбы между узбекским и киргизским народами.

Творческий коллектив Ошского театра им. Бабура осуществил постановку драмы народного поэта Узбекистана Абдуллы Арипова «Сахибкиран». Эту постановку киргизские мастера сцены в течение двух недель показывали поклонникам театрального искусства Андижана<sup>6</sup>. Ошские артисты выступали также в городах и кишлаках Андижанской области. Киргизские и узбекские песни и танцы в исполнении народной артистки Республики Кыргызстан Ойтожи Шабдановой и заслуженного артиста Шакира Ураимджанова были встречены горячими аплодисментами зрителей. В те дни ошские артисты принимали участие в проходившем в Ташкенте фестивале «Навруз-97» со спектаклем «Сахибкиран», где они заняли одно из ведущих мест<sup>7</sup>.

Артисты соседних стран регулярно выступают с концертами перед своими земляками на территории двух государств. Так, в гости к землякам-киргизам Андижанской области часто приезжают артисты и

<sup>5</sup> Сведения получены автором в редакции газеты «Андижанская правда» в августе 1998 г.

<sup>6</sup> Андижанская правда. 1997. 18 апр.

<sup>7</sup> Там же.

участники художественной самодеятельности из Оша. В свою очередь, перед земляками-узбеками в Ошской и Джалалкудукской областях регулярно выступают артисты и участники художественной самодеятельности из Андижана<sup>8</sup>. Взаимные гастроли артистов соседних областей стали традиционными и всегда проходят в обстановке душевной теплоты, сердечности, любви к своему национальному искусству. Они вносят посильный вклад в укрепление культурных связей между узбекским и кыргызским народами.

В 1995 г. в Узбекистане широко отмечалось 1000-летие кыргызского народного эпоса «Манас». В высших учебных заведениях, научно-исследовательских институтах, культурных центрах и на предприятиях республики проходили мероприятия, посвященные юбилею «Манаса». В торжествах в Кыргызстане, посвященных этому юбилею, от Узбекистана приняли участие 60 человек<sup>9</sup>. Юбилейные торжества вписали яркую страницу в летопись культурного сотрудничества народов двух братских республик.

Исключительно важную роль в укреплении культурных связей между двумя государствами играют национальные культурные центры (НКЦ). Отметим, что в Узбекистане проживает более 200 тыс. кыргызов, а 13,8% населения Кыргызстана составляют узбеки<sup>10</sup>. Национальные культурные центры занимаются вопросами возрождения, развития, углубления культуры, традиций, языков, удовлетворения духовных запросов своих соотечественников. Они активно способствуют установлению и поддержанию культурных связей сопредельных стран.

Одна из основных задач НКЦ — улучшение работы в сфере народного образования (организация обучения родному языку, обучение в вузах, подготовка преподавателей для учебных и просветительных программ, обеспечение НКЦ и их библиотек учебными и методическими пособиями и литературой), и в этой сфере они добились серьезных успехов. Например, Кыргызский культурный центр, созданный в 1990 г. в Андижане (в Андижанской и Наманганской областях проживает основная масса кыргызов Узбекистана), с первых дней своего возникновения включился в работу по улучшению дела образования для своих соотечественников. При активном содействии и материальной поддержке хокимиятов Ходжибадского и Булакбашинского районов Центр заключил договоры с высшими и средними специальными учебными заведениями Ошской области Кыргызстана о переподготовке кадров, снабжении кыргызских классов учебно-методической литературой. Двадцать один кишлак в указанных районах почти целиком заселен кыргызами. В пяти из них в 1992 учебном году было открыто по одному классу с кыргызским языком обучения<sup>11</sup>.

Позднее такие же классы открылись в 11 кишлаках Ходжибадского района. При Центре функционируют подготовительные курсы для граждан кыргызской национальности. Учебные заведения Ошской области обеспечивают эти курсы квалифицированными педагогами. В 1992 г. при содействии Центра 20 лиц кыргызской национальности, окончивших курсы, были приняты в вузы Кыргызстана<sup>12</sup>. И в последующие годы Центр регулярно участвует в отборе абитуриентов для получения высшего образования в вузах Кыргызстана.

<sup>8</sup> Народное слово. 1997. 24 апр.

<sup>9</sup> Подсчитано автором по газетам: Андижанская правда, Наманганская правда, Ташкентская правда за 1995 г.

<sup>10</sup> Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Ташкент, 1997. С. 80.

<sup>11</sup> Народное слово. 1992. 15 окт.

<sup>12</sup> Там же.

По ходатайству Кыргызского культурного центра и при поддержке хокимията Уйчинского района Наманганской области в колхозе им. Ахунбабаева в 1992 г. сдан в эксплуатацию учебный корпус на 180 мест, где обучение ведется на кыргызском языке. В совхозе «Кызыл-Рават» того же района кыргызские школьники изучают родной язык. Учителя одной из школ Джалалкудукского района наладили учебный процесс в новой школе, сюда поступили учебно-методическая литература, различные приборы. Учебная литература поступает и в другие районы Узбекистана, где компактно проживают кыргызы. Например, 34-я и 36-я школы в колхозе «Дустлик» Букинского района Ташкентской области, где обучение ведется на кыргызском языке, были обеспечены необходимой литературой на родном языке. Туда же поступают песенники и книжки для детей на кыргызском языке. Ныне в Узбекистане функционирует 66 школ с кыргызским языком обучения. Кадры для них готовят Андижанский университет и колледж в г. Андижане, открытый в 1995 г. для обучения лиц кыргызской национальности<sup>13</sup>.

Работу кыргызских культурных центров координируют хокимияты областей Узбекистана. Так, 4 января 1996 г. хоким Андижанской области издал постановление «Об улучшении деятельности национально-культурных центров области», в котором было предусмотрено оказание всесторонней помощи кыргызскому и другим национально-культурным центрам<sup>14</sup>. При областном хокимияте создана специальная комиссия по координации деятельности культурных центров.

Большую работу по улучшению народного образования ведут узбекские культурные центры в Ошской и Джалалабадской областях Кыргызстана. Кадры преподавателей для местных узбекских школ готовят два университета в Кыргызстане с преподаванием на узбекском языке<sup>15</sup>.

Узбекские и кыргызские культурные центры проводят различные мероприятия, направленные на гармонизацию межнациональных отношений, укрепление дружбы и согласия между двумя братскими народами. К числу важных мероприятий относятся проведение традиционных праздников «Лола» и «Хосил байрами» (праздник урожая) в Сохском районе Ферганской области, презентации школьных учебников на кыргызском языке и книг известных кыргызских мастеров пера. Так, в июне 1997 г. в хокимияте Кургантепинского района Андижанской области по инициативе Республиканского кыргызского культурного центра состоялась презентация учебных пособий на кыргызском языке, выпущенных Издательством «Узбекистан» в г. Ташкенте и предназначенных для кыргызских школ, а также книг известных кыргызских писателей. В Андижанском университете с огромным успехом прошла читательская конференция, на которой обсуждался роман Ч. Айтматова «Тавро Кассандры». В этих торжествах участвовали руководящие работники хокимиятов области и районов, видные деятели литературы и искусства, профессорско-преподавательский состав университетов, представители общественности, а также многочисленные гости из кыргызского города Бабкента.

В свою очередь, деятели культуры Ферганской долины, передовики производства, ветераны войны и труда (в том числе лица кыргызской национальности) регулярно выезжают с ответными визитами в Джалалабад, Ош и Бабкент для участия в различных культурных мероприятиях. Таких примеров можно привести очень много.

<sup>13</sup> Народное слово. 1995. 19 сент.

<sup>14</sup> Андижанская правда. 1996. 6 янв.

<sup>15</sup> Труд. 2000. 15 мая (Интервью с Президентом Республики Кыргызстан А. Акаевым).

Одним из ключевых вопросов укрепления культурных связей между нашими республиками является подготовка кадров высшей квалификации. В 1992 г. между Узбекистаном и Кыргызстаном, Андижанской и Ошской областями были заключены соглашения о наборе студентов на кооперативных началах и договорной основе. К середине 1994 г. общее количество студентов от Узбекистана, окончивших кыргызские школы и зачисленных по контракту в вузы и техникумы Кыргызстана, составляло 315 человек. Согласно договоренности, 661 человек из числа узбекской молодежи, проживающей в Кыргызстане, были приняты в высшие и средние специальные учебные заведения Узбекистана<sup>16</sup>. Расхождения в цифрах (315 и 661) объясняются тем, что узбекское население в Кыргызстане в четыре раза превосходит численность кыргызов, проживающих в Узбекистане. Сама жизнь выдвинула совершенно новую форму набора студентов в вузы Узбекистана и Кыргызстана. Она отвечает кровным интересам представителей обеих диаспор и в новых условиях стала традиционной.

Большим событием в культурной жизни братских народов явилось открытие в 1994 г. в г. Ош кыргызско-узбекского высшего технического колледжа, переименованного позднее в университет<sup>17</sup>. В этот престижный вуз принимается, в первую очередь, узбекская и кыргызская молодежь юга республики. Для поступления в него открыты подготовительные курсы в Кургантепинском лицее-интернате. Это единственное учебное заведение в Узбекистане, где обучение ведется на кыргызском языке. Только в 1997 г. по результатам тестирования (оно проводилось на кыргызском языке) в лицей-интернат было принято более 100 выпускников старших классов. А в Кыргызстане открыт еще один университет с преподаванием на узбекском языке<sup>18</sup>.

Коллективы Ошского и Андижанского педагогических университетов тесно сотрудничают в подготовке учебных пособий и программ на узбекском и кыргызском языках для своих соотечественников сопредельных областей и в этом плане добились внушительных успехов. Основная цель сотрудничества этих вузов сводится к тому, чтобы учебные пособия и программы обеспечивали высокое качество будущих педагогических кадров. Преподаватели обоих вузов регулярно обмениваются опытом подготовки педагогов в соответствии с современными требованиями жизни, запросами рыночной экономики<sup>19</sup>.

В условиях независимости важной формой культурного сотрудничества между узбекским и кыргызским народами стало проведение праздника Навруза и дней городов. С 1993 г. в Андижан ежегодно приезжают на празднование Навруза посланцы из Оша, а в свою очередь, к соседям-кыргызам выезжают андижанцы. Весьма интересно и плодотворно проходят дни кыргызских городов Новкат и Кызыл-Кия в Куvasae (Ферганская область) и, наоборот, в городах Кызыл-Кия и Новкат — дни узбекского города Куvasая.

В 1994—1995 гг. были подписаны договоры о дружбе и сотрудничестве между городами Узбекистана и Кыргызстана — Бешарык и Ашт, Кува и Араван, Риштан и Бабкент, Фергана и Кадемисай и др. В соответствии с этими договорами, между названными городами проводились различные культурные мероприятия.

---

<sup>16</sup> Подробно см.: Мачин Г. В. Содружество государств Центральной Азии в подготовке кадров высшей квалификации // Мустақил Узбекистон ва миллатлараро муносибатлардаги барқарорлик. Тошкент. 1995. С. 188—190.

<sup>17</sup> Народное слово. 1995. 19 сент.

<sup>18</sup> Труд. 2001. 15 мая.

<sup>19</sup> Сведения получены в учебной части Андижанского госпедуниверситета в августе 1997 г.

Известные писатели, поэты, ученые, деятели культуры и искусства двух стран принимали активное участие в работе первого международного форума культур Средней Азии и Казахстана, проходившего в ноябре 1995 г. в Ташкенте под девизом «Туркестан — наш общий дом». На курултае было принято решение об образовании международного движения научно-творческой общественности региона — Ассамблеи деятелей культур народов стран Центральной Азии. Президентом Ассамблеи единогласно избран Ч. Айтматов, а первым вице-президентом — народный писатель Узбекистана Одил Якубов.

Одним из направлений приоритетности надо считать ускоренную подготовку кадров для отраслей рыночной инфраструктуры: бирж, банков, таможен, налоговой инспекции и т. д. Стратегической задачей национальной системы подготовки кадров предпринимателей являются формирование в Узбекистане нового делового менталитета, приобщение к рыночной деятельности широких слоев населения, преодоление иждивенческой, потребительской психологии, стимулирование желания активно заниматься бизнесом. Ныне подготовку кадров предпринимателей осуществляют как государственные учебные заведения, так и различного рода коммерческие структуры.

Следующее направление приоритетности — подготовка кадров для отраслей социальной сферы: культура, искусство, спорт, здравоохранение и т. д. Потребности этих отраслей в кадрах являются социальными и, как правило, удовлетворяются за счет средств государства, ибо духовное развитие общества не может быть достаточно хозрасчетным. Масштабы подготовки кадров для этих отраслей, а следовательно, степень удовлетворения их заявок на кадры прямо обусловлены возможностями выделения средств из государственного бюджета.

Рассмотренные выше приоритеты вытекают из необходимости тактического решения проблемы концентрации ресурсов на подготовке, переподготовке и повышении квалификации кадров, поскольку средств для решения проблемы кадрового обеспечения и повышения качества обучения для всех учебных заведений по всем профессиям и специальностям практически не хватит. Следовательно, всегда будет стоять вопрос о приоритетности распределения ресурсов.

Дальнейшее совершенствование системы подготовки кадров включает следующие направления:

- обеспечение непрерывности системы образования;
- реформирование содержания образования на основе государственных образовательных стандартов;
- духовно-нравственное воспитание подрастающего поколения;
- общая и профессиональная подготовка одаренных детей, талантливой молодежи;
- формирование системы контроля качества профессионального образования;
- совершенствование системы финансирования образования;
- материально-техническое обеспечение образовательных учреждений;
- информационное обеспечение образовательного процесса;
- развитие рынка образовательных услуг;
- обеспечение социальных гарантий и государственная поддержка в сфере образования;
- развитие форм связи науки с образовательным процессом;
- развитие интеграции производства и системы образования;
- международное сотрудничество в сфере образования и подготовки кадров.

Одним из основных принципов коренного реформирования системы образования и подготовки кадров является поэтапное осуществление реформы.

Первый этап, являющийся переходным периодом, — 1997—2001 гг. На этом этапе осуществляются: подготовка педагогических кадров, отвечающих новым требованиям; создание и внедрение государственных стандартов по обучению, правовых, научно-методических и финансово-материальных условий; закладывается основа для системы непрерывного образования и воспитания; создание конкурентной среды в сфере образовательных услуг, развитие негосударственных образовательных учреждений; разработка и внедрение нового учебно-методического, дидактического, информационного обеспечения образовательного процесса.

Второй этап — 2001—2005 гг. На этом этапе в широких масштабах осуществляются: полный переход к обязательному общему среднему и среднему специальному, профессиональному образованию; укомплектование образовательных учреждений специально подготовленными квалифицированными педагогическими кадрами; укрепление материально-технической и информационной базы, обеспечение высококачественной учебной литературы; формирование рынка образовательных услуг.

Третий этап — 2005 и последующие годы. На этом этапе осуществляются: совершенствование и дальнейшее развитие системы подготовки кадров на основе анализа и накопленного опыта; дальнейшее укрепление ресурсной, кадровой и информационной базы образовательных учреждений.

В республике идет процесс становления и развития национальных (элитных) высших образовательных учреждений. Обеспечиваются информатизация образовательного процесса, полный охват системы непрерывного образования компьютерными информационными сетями, имеющими выход в мировые информационные сети. Государство и общество выступают при этом гарантами функционирования и развития системы подготовки кадров, координаторами деятельности образовательных учреждений по подготовке высококвалифицированных конкурентоспособных специалистов для всех отраслей народного хозяйства Узбекистана.

*У. С. Каримов*

## (Наманган вилояти мисолида)

Халқимиз мустақиллик деб аталмиш эзгу ва муқаддас орзунинг рўёбга чиқиши учун асрлар мобайнида интилиб, курашиб келди. Ўзбек халқи ушбу шарафли ишни амалга оширишда минглаб ўзининг асл фарзандларидан айрилди. Зеро, тарихимизнинг 130 йиллик чор Россияси мустамлакасига маҳкум этилган даври мозийнинг энг қора, ўта зиддиятли кунлари сифатида из қолдирди. Мозийга қараб, иш юритиш савоб, кечмиш кун ҳақиқатини тиклаш ва тасдиқлаш муқаддас ишдир. Шу сабабдан ушбу мақола мавзуси бошдан оёқ мустабидлик гоёси билан суғорилган, ўзга миллатларга нисбатан аёвсиз таҳқир ва қирғинларни ўзининг ҳаёт мазмунига айлангириб олган шўролар замонидан танланди.

Ҳар қандай замонларда ўз манфаатидан халқ манфаатини устун қўйган фидоий инсонларни халқ оммаси ўз орасидан етиштириб чиқарган. Мана шундай ҳазрати инсонлар ҳақиқат, адолат ва эрк учун гоҳ яширин, гоҳ ошкора кураш олиб бордилар. Минглаб ватандошларимиз эл-юрт равнақи, миллат келажиги учун ўз азиз жонларини фидо этдилар. Мустақиллик туфайли юртимиз тарихини холисона, мукаммал ўрганиш, миллий истиқлол учун курашган мустамлакачилик даври қурбонлари руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш, унутилаёзган маънавий қадриятларни тиклаш, ундан руҳий озуқа олиш каби ишларга катта эътибор бериб келинмоқда. Президентимизнинг 1999 йил 12 майдаги «Ватанимизнинг озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидоий инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2001 йил 1 майдаги «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармонлари бунинг ёрқин намунаси.

1917 йил воқеаларидан кейин ҳокимиятни диктатура йўли билан эгаллаб олган Шўро ҳукумати ўзининг дастлабки фаолияти давридан оқ ўз таркибидаги «майда халқлар»ни камситиш, таҳқирлаш, кўп асрлик маданиятини менсимаслик, «кичик халқ» вакилларидан етишиб чиққан комил инсонларнинг истеъдодини бўғиш, қатағон қилиш ҳоллари оммавий тус олди.

1918 йил Қўқон мухториятининг инқирозини, Фарғона водийсида бошланиб, бутун Туркистонни қамраб олган миллий истиқлолчилик ҳаракати йилларида ўтказилган оммавий қирғин «улуғ халқ» вакиллари томонидан «кичик халқларга нисбатан ўтказилган оммавий террорнинг бошланиш даври бўлди. Айниқса, 1918—1919 йилларда содир бўлган озодлик ҳаракатлари ниҳоятда кучайган Наманган музофотида рўй берган воқеалар, тарихий лавҳалар юқоридаги фикримизни тўла тасдиқлайди.

20-йиллардаги қирғинлар етмаганидек 30-йиллар бошларида «синфий душманлар»га қарши шафқатсиз кураш кучайди. «Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш даврида Ўзбекистонда 40 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги «қулоқ» қилиниб, улардан 31,7. минг қатағон этилган эди»<sup>1</sup>.

Бугунги Наманган вилоятининг Наманган туманидан 1930—1932 йилларда «1108 киши»<sup>2</sup>, Чуст туманидан «1493 киши»<sup>3</sup> «қулоқ» қилинди.

30-йилларда авж олган ёппасига қамашлар натижасида шўро ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатига хавф солувчи деб гумонсиранган халқнинг энг зукко кишиларини йўқотишга ҳаракат қилинди. 1929 йил охирида атоқли маърифатпарвар Мунаввар Қори Абдурашидхонов бошчилигидаги «Миллий истиқлол» ташкилотининг аъзолари қамоққа олинди. Қамоққа олинганлар устидан суд ўтказилиб, 1931 йилнинг 25 апрелида 18 кишини отишга ҳукм қилинади ва уларнинг 15 нафари отиб ташланади. Улар орасида наманганлик таниқли журналист ва шоир, «Янги Фарғона» газетасининг бош муҳаррири Лутфулло Олимий (1898—1964) ҳам бор эди. Кейин Олимийга нисбатан чиқарилган суд ҳукми 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирилади.

Қатағонлар 1937—1938-йилларга келиб, энг юқори чўққисига чиқди ва унинг силсиласи орадаги биров танаффусдан кейин, янгидан бошланиб, 1953 йилгача давом этди.

«Айниқса, машғум 1937—1953-йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш kifоя»<sup>4</sup>. Мана шу 13 минг отиб ташланганларнинг «900 га яқини Наманган вилоятидандир»<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Жўраев М. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Тошкент, 2000. 322-бет.

<sup>2</sup> Наманган вилоят давлат архиви. 13-фонд, 1-рўйхат, 523-йиғма жилд, 38—59-варақлар.

<sup>3</sup> Уша архив. Чуст бўлими. 339-фонд, 1-рўйхат, 1, 2-йиғма жилдлар.

<sup>4</sup> Каримов И. А. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқи//Халқ сўзи. 2000 йил, 13 май.

<sup>5</sup> Наманган ҳақиқати. 1991 йил, 19 март.

Чет элда бўлган, ёки йўқилганлар «чет эл жоусиси», миллат манфаатини ҳимоя қилганлар «Миллатчи» номлари билан ёҳуд «Ватан хонни», халқ душманн каби тухматлар билан бадном қилиндилар.

1937—38-йиллардаги қатағонлик сиёсатининг машъум оловида ҳулу-қуруқ ба-равар ёнди. Яъни иттифоқ ва республиканинг жазо органлари томонидан тўқиб чиқарилган сохта «ишларда» айбланиб, «минглаб жамоат арбоблари, хўжалик кадр-лари, ишчилар, деҳқонлар, дин вакиллари ва бошқалар судсиз-сўроқсиз қамоққа ташландилар»<sup>6</sup>. Наманганлик ижодкорлардан Исҳоқхон Ибрат, Усмон Носир, Му-ҳаммадшариф Сўфизода, Рафиқ Мўмин, Лутфулла Олимий, Собира Холдорова, миллий раҳбар кадрлардан Имомжон Ҳидиралиев, Иномжон Низомбоев, Муҳиддин Эрматов, Нуриддин Қориев, Шоғофур Шомансуров, Муҳиддин Шоҳимардонов, хў-жалик соҳасидаги кадрлардан Аъзамхон Ҳалилбеков, Дадаҳон Эгамбердиев, ҳарбий кадрлардан Мирсанн Шочирбоев, Ҳожинакбар Раҳматов, диндорлардан Абдуллажон Мирҳайитов, Убайдулло Сайидахмедов, оддий колхозчи, деҳқонлардан Тожибой Раҳимов, Сотимбой Сайидматов каби жуда кўплаб кишилар дастлабкилардан бўлиб, қатағонлик домига тортилдилар.

Маърифатпарвар Исҳоқхон Жунайдуллаҳужа ўғли Ибрат (1862—1937)ни 1937 йил 75 ёшида анча кексаяиб, касалланиб қолган пайтида қамоққа олдилар. Кўп ўтмай, у қамоқда вафот этди.

Ўзбек шеърятининг ёрқин юлдузи Усмон Носир (1912—1944) 25 ёшида қа-моққа олинди. Марғилонлик фаол аёллардан бири Тожиҳон Шодиева 10 йиллик ҳибсдан сўнг Усмон Носирни кўриб қайтган эканлар. Усмон Носир умрининг охи-ригача ҳақиқат тикланиб, озодликка чиқиш орзусида яшади ва ўзининг қалб туғ-ёнларини аваҳта деворларига ёзиб қолдирди. У 1944 йил қамоқ лагерида руҳий ва жисмоний азоблар ичида вафот этди.

Уша йилларда қатарси қурбонларининг қариндош-уруғларига аниқ маълумот-лар берилмай, атайин чалкаш хабарлар етказилди. Усмон Носирнинг қариндоши на-манганлик Қосимжон Ҳошимов шундай эслайди: «...Холамбиби (Усмон Носирнинг оғаси, яъни менинг холам) 1958 йил янги хабар билан келадилар: — Уғлим оқлан-ди, 1952 йилда вафот этган экан, дедилар»<sup>7</sup>. Ваҳоланки, кейинчалик Усмон Носир 1944 йилда вафот этганини аниқланди. Бундай ҳолатни қатағон жабрини тортган-лардан бири наманганлик Алихон Халилбеков ҳикоялари ҳам тасдиқлайди. «Ҳаёт гултожиси бўлган инсонни таҳқирлаш, унинг қадрини, одамлик ҳуқуқини топташ шўро давлати сиёсатининг асосий қуроли эди.

Отам Аъзамхон Халилбеков (1893—1938)ни (Уйчи туманида ҳунармандчилик артелида раис эди) 1938 йил 11 январ кечаси қамоққа олишган. Уни НКВД шаҳар бўлими қамоқхонасидан турмага олиб чиқиб кетишаётганида кўриб қолдим. Тур-мада 2 ой сақлашганлигини биламиз, сўнгра эса қаердалигини билмай қолдик. Су-риштирсак, хат, олди-берди қилмайдиган қилиб 10 йилга кесилган дейишди. 10 йил ҳам ўтди, яна суриштирганимда, яна 10 йил қўшилган, деган жавоб қайта-ришди. Алдашибди, 1938 йилнинг 5 март кечаси соат 12 да отиб юборилган экан. Шундай қилиб, отам 45 ёшида сталинча ёвуз сиёсатнинг қурбони бўлди. Дадам 1956 йил вилоят судининг қарори билан оқланди»<sup>8</sup>.

Қатағон қурбонларининг аксарияти судсиз-сўроқсиз, ёҳуд маъҳум айблар, тур-ли тамғалар ҳамда учлик қарори билан отиб ташланди. Ўзини дунёда энг адолат-пеша деб ҳисобловчи қизил империя ушбу йилларда ҳақиқат тарозусини умуман бир четга йиғиштириб ташлади. Бунинг архивда сақланаётган айрим шахсларга тегишли айблов ва оқлов ҳукмларига оид ҳужжатлардан ҳам кўришимиз мумкин:

«Муҳаммадшариф Сўфизода 1869 йил Чустда туғилган, бойнинг ўғли (аслида оддий ҳунарманднинг ўғли бўлган), ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, ўз хоҳиши билан партиядан чиққан. «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси. Чет давлат разведкаси томонидан собиқ СССРга юборилган, аксилинқилобий топшириқ-ларни бажарган. 1937 йил 8 май куни қамоққа олинди. НКЗДнинг учлик комиссия-си томонидан 1937 йил 17 август куни отиб ўлдиришга ҳукм қилинган. Ҳукм ижро этилди 1937 йил 15 сентябр куни»<sup>9</sup>.

«Мўлла Эргаш Шомансуров Чуст шаҳрида 1900 йилда туғилган, «қулоқ»нинг ўғли, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, 1928 йил партиядан ўчирилган. «Қулоқ»лар билан алоқа боғлаган. 1929 йил судланган, советларга қарши деб уч йилга қамалган. Охири иш жойи Унқўрғон район ички савдо ташкилоти. 1937 йил 9 май куни ҳибсга олинган. «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси, босмачиларни қўллаб-қувватлаган. НКВД учлик қарори билан 1937 йил 17 августда отишга ҳукм қи-лингган. Ҳукм ижро этилди 1937 йил 26 август куни»<sup>10</sup>.

«Наманган вилоят судининг 1958 йил 26 декабр куни 20/V қарори билан УзССР НКВДси учлик комиссиясининг 1937 йил 17 августдаги Сўфизода ва Шоман-

<sup>6</sup> Жўраев М. ва бошқалар. Кўрсатилган асар, 323-бет.

<sup>7</sup> Наманган ҳақиқати. 1993 йил, 6 июль.

<sup>8</sup> Ахборотчи — А. Халилбеков, 75 ёш, НамДУ доценти. Наманган шаҳридан.

<sup>9</sup> Наманган вилоят давлат архиви, Чуст бўлими. 222-фонд, 1-рўйхат, 419-йиғ-ма жилд, 30-варақ.

<sup>10</sup> Уша жойда.

Суров Мулла Эргашга нисбатан чиқарилган айблов фикри тасдиқланмаганини учун бекор қилинган. Улимидан сўнг оқланган»<sup>11</sup>.

«Бўтабой Дадабоев 1889 йилда Чуст шаҳрида туғилган. Бутуниттифоқ МИК аъзоси бўлиб сайланган. 1918—1934-йилларда партия аъзоси, 1934 йилда контрреволюцион фаолияти учун партиядан ўчирилган. 1937 йилда қamoққа олинган. Қўйилган айб: 1923 йилдан бошлаб «Иттиҳод ва тараққиёт» миллий ташкилотининг аъзоси бўлган. 1930 йил Тожикистонга бориб, у ерда миллий ташкилот «Иттиҳоди Шарқ»га аъзо бўлган. 1938 йил 5 октябрда СССР олий суди ҳарбий коллегиясининг сессиясида жиноят кодексининг 58, 63, 64, 67 моддалари бўйича айбдор деб топилди. Б. Дадабоев олий жазога ҳукм этилди. 1938 йил октябр ойида ҳукми ижро этилди. Собиқ СССР олий суди коллегиясининг 1957 йил 1 августдаги УН-07113,57 қарори билан Б. Дадабоев ҳақидаги ҳукми бекор қилинди ва унинг жинси.и иши тўхтатилиб, Улимидан сўнг оқланди»<sup>12</sup>.

Узоқ муддатга қамалганларнинг кўплари қайтмадилар, қайтганлари ҳам узоқ яшамдилар.

Наманганлик Муҳиддин Шоҳимардонов ва Мирсаид Шомирбоевлар 1937 йилда НКВД учлиги томонидан 10 йилга қамалган. Бироқ Мирсаид Шомирбоев 1940 йил 1 май куни, Муҳиддин Шоҳимардонов 1942 йилининг декабрида турмада оғир касалликдан сўнг вафот этадилар.

«Муҳиддин Шоҳимардонов ЎзССР олий суди жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясининг 1958 йил 27 июнидаги ва Мирсаид Шомирбоев собиқ СССР олий судининг ҳарбий судлов коллегиясининг 1957 йил 20 июл қарори билан ўлимидан сўнг оқланди»<sup>13</sup>.

Чустлик «Шоғофур Шомансуров 1937 йил НКВД учлик қарори билан 8 йилга қамалган. Россиянинг Ярославль вилоятига сургун қилинган. 1943 йилнинг майида қайтиб келади ва кўп ўтмай шу йилнинг ноябрида вафот этади. Ўзбекистон олий судининг 1957 йил 31 декабридаги қарори билан ўлимидан сўнг оқланди»<sup>14</sup>.

Адолат мезонларидан анча узоқда бўлган ўша давр қонунлари ҳаётнинг яратувчилари бўлмиш аёлларга ҳам шафқат қилмади. Қатагонлар тўғони Ўзбекистоннинг биринчи журналист аёлларидан бўлмиш Собира Холдоровани ҳам четлаб ўтмади. У 1907 йилда Чустда туғилган. 1923—25-йилларда Тошкентдаги хотин-қизлар маориф билим юртида, 1926—29-йилларда эса Москвадаги журналистика институтида таҳсил олади. Турли газеталарда муҳаррир, умуман 1937 йилгача республикада раҳбарлик лавозимларида ишлайди. 1937 йилда турмуш ўртоғига «синфий ҳушёрликни йўқотган» деган айб қўйилади ва қатл этилади. Уша йили 22 сентябрда эва эндигина 30 баҳорни қаршилаган Собира қamoққа олинади. Унга «бир неча йил давомида аксилинқилобий унсурлар билан маслакдош бўлган» деган айб қўйилади. Қарийб 4 йил ҳибсда ушланиб, сўроқ қилинган. 1940 йилда 5 йилга қамалади ва жазо муддатини ўташ учун Ўқуistonга юборилади»<sup>15</sup>. Қизи ва ўғли етимхонада тарбияланади. Сургундан қайтганидан кейин ҳам унга хавфли унсур сифатида қаралади ва Тошкентда яшаш маъни этилади. Кейинчалик Собира Холдорова оқланади.

40-йилларнинг охири 50-йилларнинг бошларида сиёсий қатагонликларнинг янги палласи бошланди. Партия, айниқса, адабиёт ва санъатга тазйиқни кучайтириб, зўғиллар ҳамда ижодкорларга ҳужум бошлади. ВКП(б) марказқўмининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисида (1948 йил) чиқарган қарори ижодкорларга бўлган зарбанинг бошланиши бўлди. Бедодликнинг энг юқори чўққисига чиққан даври 1952 йил 21—22 февралда бўлиб ўтган Ўз КП(б) МҚнинг X пленуми бўлди. Уруш даврида қаламини қуролга айлантириб, ғоявий етук шеъри ва асарлари билан халқни руҳлантирган, ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган бир неча шоир ва ёзувчилар ноҳақ қораланди. Бир қанча ўзбек ёзувчилари ва шоирлари қаторида Набихон Хўжаев Чустий (1904—1983) ҳам бадном этилди. Уни ғоясизликда айблаб ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчирдилар (вафотидан кейингина аъзоликка тикланди). Гўёки Чустий партияни мақташ ўрнига, ёрнинг қора қошини улуғлаш билан шуғулланапти, яъни ғоясиз шеърлар ёзаяпти, ўғлига эскилик сарқити ҳисобланмиш «ҳатна тўйи» қилиб берди деган асосиз айблар қўйилди. Чустийдек беназир инсон қаламига мансуб бетакрор ғазалларни, айниқса умрининг сўнгги давларида ёзиб қолдирган бебаҳо мерос — «Индамаслар олами»ни ўқиган киши юқорида қўйилган айблар Чустийга нисбатан отилган бўҳтон тошларидан ўзга нарса эмаслигини яна бир бор теранроқ англаб этади.

Чустлик Абдулҳамид Маҳдум Девона (1877—1953) ҳам шу даврнинг қурбони бўлди.

Бугунги кунда Чуст шаҳрида истиқомат қилаётган Темирхон Абдулҳамидовнинг оталари ҳақидаги берган маълумотларини айнан келтирамиз: «Отамиз Чустда 1877 йилда таваллуд топганлар. Дастлаб эски мактабда, сўнг Дўзанда маҳалласидаги Қозикалон масжидида, 12 ёшидан бошлаб, Қўқондаги мадрасаларда таълим олган-

<sup>11</sup> Уша жойда, 30-варақ.

<sup>12</sup> Уша жойда, 31-варақ.

<sup>13</sup> Уша жойда, 44—52-варақлар.

<sup>14</sup> Уша жойда, 29-варақ.

<sup>15</sup> Уша жойда, 25-варақ.

лар. Бухородаги Мир Араб мадрасасида 10 йил таҳсил олиб, хатмкарда даражасини олиб келгач, қозилик лавозимида ишлаганлар. Кўплаб шеър ва ғазаллар ёзганлар, уларнинг айримлари менда сақланмоқда. Шўролар даврида таъқибга олиниб, 30-йилларда қамоққа олиндилар. Қамоқдан қайтгач, 1946 йил етук илм эгаси бўлганлари учун Ўзбекистон мусулмонлар диний назорати уларни 1949 йил Кўкча даҳасидаги Шайх Зайниддин масжидига имом, 1949 йилда эса Бухородаги Мир Араб мадрасасига бош мударрис этиб ишга юборди. 1952 йил яна ҳибсга олиндилар ва 1953 йил август ойида турмада вафот этиди<sup>16</sup>.

Ўтган асрнинг биринчи ярмида юз берган бедодликлар бу билан ҳам яқун топмади. Мустабид тузум 80-йилларда яна бир карра қатағонлик супургисини супуриб ўтди.

Умуман 130 йиллик чор Россияси ҳамда Шўро тузумининг мустамлакачилик саҳифалари вақти-вақти билан ўтказиб турилган оммавий қирғин ва қонли қатағонлик сиёсатлари билан тўлдириб борилди. Зўравон совет тузумининг юқорида таъкидлаб ва кўрсатиб ўтилган ёвуз сиёсати нафақат ўзбек халқи, балки жуда кўплаб бошқа халқлар қалбида ўзининг унутилмас, оғриққа тўла салбий оқибатларини қолдирди. Зотан, минглаб одамлар ҳаёти, кўплаб оилалар барбод бўлди. Қонунлар кўпол равишда бузилиб, умуминсоний қадриятлар топталди. Диний ва дунёвий маданиятимизга ҳужум уюштирилди. Араб имлосида ёзилган китоблар, нодир қўлёзмалар йўқотилди.

Шафқатсиз тузум ўзининг ғоявий кучини халқимизни доимо хадик ва асоратда сақлашга, инсоний туйғуларини камситишга, миллий ғояларини саробга айлантиришга, ҳаққоний тарихимизни сохталаштиришга, иложи борича йўқотиш ва миллий гурурланиш ҳисларидан беғоналаштиришга қаратди.

Эрк ва озодлик учун курашган, миллий истиқлол ғоясини ўзларининг ҳаёт мезонларига айлантириб, шу муқаддас ғоя йўлида жон йўлида жон фидо этганларнинг, шаҳид кетганларнинг орулари бундан 10 йил муқаддам рўёбга чиқди.

Бугунги кунда мана шу муқаддас заминда яшаётган ҳар биримиз тарихий ҳақиқатни англашимиз, янгидан уйғониш даврини ўз бошидан кечираётган мустақил Республикамизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишимиз, ота-боболаримиз руҳлари олдида муносиб ворислик бурчимизни адо этишимиз лозимдир.

З. У. Ҳайдаров

<sup>16</sup> Ахборотчи — Т. Абдулҳамидов, 68 ёш, тикувчи. Чуст шаҳридан.

## М. БЕҲБУДИЙ ВАТАН ТАРИХИ ҲАҚИДА

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади». Демак, ўзликни англаш — энг аввало, ўтмишни ўрганишдан бошланади. Дарҳақиқат, ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилда дунёга келгани, ота-боболари нималар билан шуғулланишгани ва қандай умр кечирибганини билиб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари ва мерослари билан фахрланиб яшайди.

Ўз наслу-насабинини билиш, келиб чиқишини ўрганиш кишининг ҳаётда омонат ё тасодифий эмаслигини тушунишга имкон беради. Шу билан бирга атроф-муҳит, уни ўраб турган олам хусусида ўйлайди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий «Тарих ва жуғрофия» асарида бундай деб ёзган эди: «Дунёга ишонмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарихни ўқумоқ ва билмоқ керак. Подшою вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумоқ керак. Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ё нопадид (мустамлака) бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак... Мусулмонлик қандай кўпайди ва тараққий этди ва алоҳон на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Буни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак. Хулоса: дину дунёдан бохабар бўлмоқни хоҳлайдурган ҳар ким учун тарих ўқумоқ керак. Чунки ҳар нимарса ва шунинг асли ва насли тарихдан билнур».

Буюк маърифатчи ва ватанпарвар М. Беҳбудий Ватан ва миллат тарихини яратиб заруриги ғоясини илгари сурди. Жумладан, «Туркистон тарихи» керак» номли мақоласида таъкидлаган эдики: «Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудирки, бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқиб, ибрат олмоқ ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлуб кетганин ўқуб, мундан ҳам истифода этмак мумкиндуру. Шунинг учун бизнинг ўз шеваимизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг маиший, сиёсий аҳволига доир «Туркистон тарихи» бор бўлганда, они кўз олдимизда қўюб, бурунги қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият даврига кируб ва нима сабабдан охири мунқариз бўлуб кетганларини ўқуб, билуб, ҳейли ибрат олар эдук. Ушандоқ, ҳозирги ҳолимизни боболаримиз давридаги ҳолларга бир даража муқояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздан бир нифиоли даруний ҳис эдук, юзларимиз қизарар эди. Холо, биз туркистонийлар мар-

ҳум боболаримиз аҳволӣ ҳам Туркистон воқеоти тарихиясидан бутун гофил ва бе-хабардурмиз. Чунки ҳануз Туркистон тарихи ҳақинда янги тадқиқот ила ёзилгон, тартибли ва истифодали мукамал бир асар вужудга келгани йўқ. Тўғриси, муайдай тарих ёзувчи киши турк ўғлонларидан ҳануз майдонга чиқгон нўққи, бу эса турк болаларининг ноҳалаф бўлуб, чин ўғул эмасликларига далилдур. Бу сўзлардан тарихсизлигимиз англашилмасун. Бизнинг тарихимиз бор».

Айтиш жоизки, М. Беҳбудийнинг бу қарашлари: биринчидан, Ватан тарихи ва уни яратиш муаммолари бобида ўзига хос илми дастурдир. Иккинчидан, чоризм ва бўлажак тоталитар тузумнинг Туркистон тарихига нисбатан тутган сиёсатини у олдиндан башорат қилган эди. Учинчидан, М. Беҳбудий орзулари ҳақиқий Туркистон тарихи — Ватан тарихини яратиш Узбекистон мустақиллиги тўғрисида амалга ошдики, бунини у олдиндан башорат қилган эди.

Туркистон забт этилгач, руслар маҳаллий халққа «сартлар» деб ном бердилар. Н. Остроумовнинг бир китоби худди шундай номланганлиги ҳаммага маълум. Бу сўз, аслида турли вақтда турли этник қатламга, гоҳо ижтимоий қатламга нисбатан айтилган. XX асрнинг ўнинчи йилларида бу сўз атрофида яна баҳс кетди. Чунончи, Бухоро амирининг русчага таржимони Баҳромбек 1911 йилда «Шўро» журнаliga «Биз, Туркистон ва Бухоро халқининг турклиги маълум бўлиб туруб... на учун сарт атайдурлар?» деган савол билан мурожаат қилади. Журналнинг 19-сонида Беҳбудийнинг «Сарт сўзи мажҳулдур» деган жавоби босилади. 24-сонида эса самарқандлик Бақоҳўжа «Сарт сўзи аслсиздур» деган мақола билан чиқади. Бу билан баҳс босилгандай бўлади. Бироқ орадан 2—3 йил ўтиб, «Садоий Фарғона»нинг 1914 йил 30-сонида Мулла Абдуллабек деган кишининг «Сарт сўзи маълумдур» деган мақоласи босилади. Табиийки, Беҳбудий ундан қаноатланмайди, чунки унда мавзуга доир бирор янги гап айтилмагани ҳолда, «маълум» деб даъво қилинган эди. Шу сабабли Беҳбудийнинг «Сарт сўзи маълум бўлмади» мақоласи «ёлон қилинди», «Сарт сўзи мажҳулдур» мақоласи эса қайта чоп этилди<sup>1</sup>.

Беҳбудий «сарт» сўзининг халқона этимологиясидан тортиб, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Абулғози Баҳодирхоннинг асарларигача, Н. Остроумов китобидан Д. Г. Логофетнинг «Бухоро хонлиги»ю Л. М. Будагов луғатларигача, И. И. Гейер «Саёҳатнома»ларидан А. Вамбери «Кундаликлар»игача, жадидчилик ҳаракатининг Аҳмад Заки Валидийдан Исмоилбек Гаспринскингача бўлган намояндаларининг бу соҳадаги кузатишларини тўплаб, хулосалайди.

Мутафаккирнинг барча тарихий-илмий мавзудаги мақолалари сингари бу ҳам ўтмишга камоли эҳтиром ва эътиқод билан ёзилган. «Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмай тургонларни Қул — марқуқ (қул — манқурт — Ш. С.) дерлар», деб ёзади у.

Шунингдек, Беҳбудий тарих сохтакорлигига қарши курашди. «Асли номаълум бир ривоят ила улуғ масала тарихияни ҳал этмоқликни эса тарих ҳақида жиноят санайдурлар», деб ёзган эди аллома.

М. Беҳбудий, миллат ўзини англагандагина ижтимоий-сиёсий масалаларга бошқалар билан тенг аралаша олади, деган фикрда бўлди. Шу билан бирга, фақат Ватан тарихини эмас, балки Европа қолаверса, жаҳон мамлакатлари тарихини ҳам билиш, сафарларга бориб, хорижий эллардаги маданият, таълим, давлат қурилиши соҳасидаги тажрибалар билан танишиш М. Беҳбудийни юрт тақдири ҳақида чуқур тафаккур қилишга ундади. Худди мана шу зарурат уни босқинчилик сабабларини англаб етиш, тараққиёт ва мустақиллик сари бориш йўлларини излаб топишга йўналтирди. Шунинг учун ҳам тарихга алоҳида эътибор берди.

Ш. Б. Саматов

<sup>1</sup> Ойна, 1914. 39-сон.

<sup>2</sup> Ойна, 1915. 22, 23, 25, 26-сонлар.

## К ИСТОРИИ ПОЯВЛЕНИЯ МЕННОНИТСКИХ ОБЩИН В ТУРКЕСТАНЕ (конец XIX — начало XX века)

На территории современного Узбекистана испокон веков бок о бок проживали и ныне проживают представители различных рас, национальностей, последователи многочисленных религиозных учений. Их своеобразие не является препятствием для сохранения гражданского мира и межнационального согласия на древней земле Узбекистана. Государственная политика, проводимая в нашей стране в области межнациональных и межконфессиональных отношений, зиждется на традициях толерантности и направлена на укрепление мира и согласия между народами. В рамках ее осуществления проводится изучение истории появления и жизнедеятельности различных этнических и религиозных групп в регионе. Исторически сложившаяся многонациональность рассматривается как благоприятный фактор дальнейшего развития нашего государства.

Значительные изменения национального состав данной территории претерпел в конце XIX в., с вхождением Туркестана в Российскую империю, образованием

Туркестанского генерал-губернаторства, установлением протектората над Бухарским эмиратом и Хивинским ханством. В этот период в регионе появились и представители этноконфессиональной общности меннонитов<sup>1</sup> (в литературе встречается и название — менонит). История меннонитских общин Туркестана, их появления в крае, особенностей их жизнедеятельности, национальной принадлежности является на сегодняшний день малоизученной и в ряде положений спорной.

Обратимся к истокам возникновения этого движения, прошедшего немалые испытания. Меннонитство появилось в начале 30-х годов XVI в. в ходе реформации в Нидерландах. Во главе этого мирного направления в анабаптизме встал бывший священник Менно Симонс<sup>2</sup>.

Из-за преследований<sup>3</sup> меннониты с 40-х годов XVI в. были вынуждены переселиться в Северную Германию, Польшу, Пруссию. Однако к концу XVIII в. их положение в Пруссии значительно ухудшилось. Прусское юнкерство провело ряд законов, ограничивающих землевладение меннонитов. Наступил период их новой эмиграции. Часть отъезжающих направилась в Россию, предложившую им приют.

Расширение территории Российской империи поставило вопрос о заселении ее окраинных земель. Императрица Екатерина II подписала манифест «О дозволении всем иностранцам, в Россию въезжающим, поселиться, в которых губерниях они пожелают». Этот документ разрешил иностранцам поселяться в России на постоянное жительство и предоставлял им ряд льгот. Среди них были свобода вероисповедания, выдача больших земельных наделов, право самоуправления и др., что вполне устраивало меннонитских переселенцев. Была также создана «Канцелярия Опекунства иностранных колонистов».

После проведенных переговоров первая партия колонистов (228 семейств из окрестностей Данцига) обосновалась в 1789 г. в Хортицком урочище Екатеринославской губернии. До конца века к ним присоединилось еще около 200 семейств, образовавших 8 колоний, объединенных в Хортицкий меннонитский округ. В дальнейшем было создано пять меннонитских округов в Екатеринославской, Таврической, Самарской губерниях<sup>4</sup>. К 1870 г. переселение их практически почти прекратилось. Позднее переселялось в среднем около 20 семейств в год<sup>5</sup>.

Меннонитские общины жили в конфессионально-территориальной обособленности от окружающего населения и в силу доктринальных запретов не имели контактов с ним, за исключением деловых отношений. Нельзя не согласиться с мнением исследователей, что меннониты отличались от немцев, поляков, русских, узбеков и других народов, с которыми они соседствовали, характером расселения, религиозной принадлежностью, языком, образом жизни, уровнем социально-экономического развития и особенностями этнического сознания. Подавляющее большинство их занималось земледелием, которое они воспринимали как следование библейским предписаниям, т. е. одну из религиозных обязанностей<sup>6</sup>. Меннониты, помимо собственной трактовки христианского учения, придерживались жестких моральных принципов, жили замкнутыми общинами. Они проповедовали строгое отношение к труду, бескорыстное участие в делах общины, поддержку ближнего, обязательную грамотность, отказ от воинской повинности, не служили на государственной службе.

Спорным остается вопрос об этнической принадлежности меннонитов. Ряд исследователей, приводя свои доводы, считают их голландцами, другие — немцами. Однако нам ближе высказываемый взгляд на них как на этноконфессиональную общность, когда родная земля — это территория расселения своей общины, а ее члены — «богоизбранная» общность людей. В пользу этого говорит и то, что не только адепты этого вероучения при идентификации своей национальности, в официальных документах называют себя «меннонитами», но этот термин даже используют некоторые неверующие выходцы из этой среды, т. е. эти люди не осознают себя ни немцами, ни голландцами<sup>7</sup>.

Достаточно крупные земельные наделы, льготы, полученные меннонитами в России, вызвали быстрый подъем их хозяйств и вместе с тем социальное расслоение

<sup>1</sup> Название «меннонит» было впервые употреблено графиней Анной в одном из ее декретов в Фрисландии (Крестьянинов В. Ф. Меннониты. М., 1967. С. 9).

<sup>2</sup> Менно Симонс (1496—1561) родился в Фрисландии (Нидерланды). В молодости был римско-католическим священником, в 1536 г. сложил с себя сан священника и порвал с католической церковью, а в 1543 г. принял сан епископа всех меннонитов. Его перу принадлежит ряд работ, среди которых важнейшее теологическое сочинение меннонитов — «Основа христианского учения».

<sup>3</sup> «Зеркало мучеников» — меннонитский сборник (Амстердам, 1659), приводит имена до 800 крещенцев и меннонитов, казненных с 1524 по 1600 г. (Бондарь С. Д. Секта меннонитов в России. Пг., 1916. С. XIX).

<sup>4</sup> Соколовский С. В. Меннониты в США (Происхождение и эволюция этноконфессиональной общности) // Религии мира. М., 1987. С. 78.

<sup>5</sup> Ипатов А. Н. Кто такие меннониты? Алма-Ата, 1977. С. 48.

<sup>6</sup> См.: Ипатов А. Н. Меннониты. М., 1978. С. 19—20.

<sup>7</sup> Этот взгляд высказывается в работах Э. К. Франциса, В. Ф. Крестьянинова, А. Н. Ипатова, Л. В. Малиновского, С. В. Соколовского и др.

ние. Растущая имущественная дифференциация, обезземеливание части поселенцев, идеологически оформившиеся в появлении сектантских течений, приводили к расколам (Братские меннониты, Малая община, Крымские меннониты и т. д.). Преследуемые члены сект переселялись на другие земли. Это зачастую было проявлением борьбы между новыми конфессиональными группами и церковным конвентом меннонитов.

Усилению миграции, как отмечают исследователи, способствовало и принятие в 1874 г. закона о всеобщей воинской повинности, ставшего составной частью серии реформ в России. Угроза русификации в связи с реформами в области управления колониями и в системе просвещения, сокращение льгот и привилегий (в числе которых было и вечное освобождение от несения воинской службы), воспринятые меннонитами как покушение на их религиозные убеждения, побудили их начать переговоры с царским правительством. В результате в 1875 г. были опубликованы особые правила об отбывании обязательной воинской службы меннонитами. Они освобождались от ношения оружия и принятия присяги, что позволяло им не нарушать религиозные заповеди, но были обязаны отбывать сроки военной службы в пожарных и лесных командах. Однако часть меннонитов продолжила переселение, в том числе в США и Канаду<sup>8</sup>. На территории Российской империи появился ряд новых колоний, так называемые «дочерние поселки» меннонитов, на Кавказе, Кубани, в Крыму, Средней Азии.

Часть меннонитов направилась в Туркестан. В этот период среди меннонитов оформилось новое направление, возглавляемое К. Эппом, М. Кассеном и А. Петерсом, получившее название «Братские меннониты». Приверженцы этого, основанного на крайнем пиеизме<sup>9</sup> учения получили, дескать, «откровение», что убежищем для «божьего народа», т. е. меннонитов, должна стать Средняя Азия<sup>10</sup>.

В поисках конкретных мест нового поселения эта группа пять раз посылала своих депутатов в Санкт-Петербург. Наконец, 13 сентября 1879 г. им удалось попасть на прием к генерал-губернатору Туркестана фон Кауфману, находившемуся в это время в столице. Депутаты: старшина Авраам Петерс (умер в 1881 г. в Ташкенте), приходский учитель Яков Тевс (в 1884 г. из Хивы отправился в Америку), приходский учитель Иван Епп — обратились к Кауфману с просьбой разрешить переселение общины в Туркестан на постоянное место жительства. Кауфман согласился поддержать их прошение. Он собирался сделать это при ближайшей встрече с царем Александром II, находившимся в то время в Крыму, куда направлялся и генерал-губернатор. Вернувшись из Крыма, Кауфман сообщил депутатам о предоставлении меннонитам возможности поселения в Туркестанском крае. Он предложил им, уладив свои дела, приехать туда.

Меннониты несколькими партиями в 1880 и 1884 гг. направились в Сырдарьинскую область<sup>11</sup>. Путь был долгим и трудным. Многие погибли, не добравшись до новых мест расселения, кто-то выбрал для своих семей место жительства, не доехав до Ташкента.

После всяких мытарств оставшиеся прибыли в Ташкент. В это время Кауфман заболел и вскоре умер, а потому вопросами их расселения занимались уже другие лица.

Прибывшие в Ташкент осенью 1880 г. 71 семейство меннонитов (420 человек) были временно расселены в пустующих лавках на ярмарочной площади, которые были приведены в относительный порядок. Здесь они прожили всю зиму. При этом антисанитарные условия, сырость, скученность, холод, недостаток средств, необходимых для полноценного питания, привели к массовым заболеваниям и даже смертным случаям<sup>12</sup>. Городские власти, испугавшись возможности эпидемии, предприняли некоторые меры. В частности, поселение на ярмарке посетил городской врач Батыршин, осмотревший больных и назначивший им лечение<sup>13</sup>. После этого ситуация несколько улучшилась.

Администрация края была вынуждена ускорить решение вопроса о расселении прибывших семейств и оказании им материальной поддержки. В марте 1881 г. предписанием исполняющего дела помощника военного губернатора Сырдарьинской области меннонитам были выделены земли для постоянного проживания. Им было отведено 1040 десятин земли, включая луговую землю, на Ур-Маральском участке Аулиеатинского уезда, по 13 десятин на каждое семейство<sup>14</sup>.

<sup>8</sup> См.: Соколовский С. В. Меннониты в США. С. 79.

<sup>9</sup> Пиеизм (от лат. pietas — благочестие) — течение, возникшее в протестантизме, особенно в лютеранстве, в конце XVII в., имевшее целью усиление влияния религии на основе строгого благочестия и религиозного подвижничества в повседневной жизни.

<sup>10</sup> Кнауэр Н., Проскурин В. Туркестанские ганзейцы // Общественное мнение. Права человека. 1999. № 1—2 (5—6). С. 68.

<sup>11</sup> ЦГА РУз, ф. И-1, оп. 1, д. 1987, л. 23—25.

<sup>12</sup> Там же, ф. И-36, оп. 1, д. 1778, л. 6, 27.

<sup>13</sup> Там же, л. 7.

<sup>14</sup> Там же, л. 9, 10.

Ташкитское областное казначейство открыло кредит на 1500 руб. для выдачи ссуд меннонитам на покупку семян. Разрешалось выдавать по 25 руб. на семью. Долг предлагалось погасить в течение 3 лет. Всего ссуду получили 62 семьи (размер их был от 1 до 13 душ). Обеспечением кредита была определена круговая порука общины. Кроме того, меннонитам было дано разрешение вырубать по 20 деревьев на семью на территории лесных казенных дач, находящихся в Аулиеатинском уезде, но с условием, чтобы они взамен высадили по 25 саженцев за каждое срубленное дерево и обеспечили уход за ними<sup>15</sup>.

Меннониты образовали села Николайполь, Иоганнесдорф, Орловское. Проживали они и в других местах. Переселенцы создали крепкие образцовые хозяйства, занимавшиеся земледелием, мясомолочным животноводством, коневодством (разводили упряжную аулиеатинскую лошадь), сыроварением, ремеслами<sup>16</sup>. Сохранились документы, свидетельствующие о том, что они уделяли много внимания внедрению агротехнических новшеств, улучшению пород скота. Например, в 1901 г. жители Николайполя Корнелиус Зайль и Роберт Барч вели переписку с администрацией края о возможности льготной доставки племенного скота с юга России для улучшения пород. Их начинание было одобрено и им разъяснили, как это можно сделать<sup>17</sup>.

Подчеркнем, что переселение на новые места не отразилось на внутренней жизни общины и привычках меннонитов. Они и здесь продолжали жить достаточно замкнуто, придерживаясь своих религиозных убеждений, практически не смешиваясь с окружающим населением.

Численность меннонитов постепенно увеличивалась. В августе 1912 г. в селении Николайполь уже проживало 734 меннонита (из них 355 мужчин), в селении Иоганнесдорф — 88 (из них 45 мужчин), в поселке Орловском — 128 (из них 63 мужчины)<sup>18</sup>.

Поселившиеся в крае меннониты пользовались всеми положенными конкретно им по закону льготами. Однако, так как они не были лицами коренного русского происхождения, то, согласно правилам о переселении в Туркестан, не могли быть устраиваемы на переселенческих участках края. В ряде случаев это порождало проблемы с расселением вновь прибывших<sup>19</sup>.

Что касается несения воинской повинности, то они пользовались всеми правами и преимуществами, предоставленными русским переселенцам, т. е. освобождались от нее до введения оной в крае. Служба в войсках им заменялась службой в мастерских морского ведомства, в пожарных командах и особых подвижных командах лесного ведомства, с освобождением от ношения оружия. Лесные команды занимались разрядкой и очисткой леса, подготовкой рассады, посадкой деревьев и уходом за молодыми насаждениями. В начале XX в. в Степном крае действовало 8 достаточно крупных лесных команд. Например, в 1913 г. в Прииссыккульской лесной команде насчитывалось 44 человека.

Всеми предоставляемыми льготами пользовались, однако, меннониты, прибывшие в Россию или присоединившиеся к секте до 1 января 1874 г. Выбывшие за границу и вернувшиеся обратно меннониты никакими льготами при несении воинской повинности не пользовались<sup>20</sup>.

В 1885 г. меннониты, проживавшие в крае, пытались отказаться от обязательного медицинского осмотра, проводившегося на воинских призывных пунктах. Мотивировали они это тем, что освидетельствование относится к исполнению воинской повинности, в силу чего оно нарушает их убеждения и, кроме того, приходится проезжать значительные расстояния (до 350 верст). Избегая этого, часть меннонитов даже выбыла в Америку. Местная администрация разрешила проводить освидетельствование по месту их проживания, у зарегистрированных гражданских врачей, однако это не было подтверждено из центра. В отказе Главного штаба Военного министерства указывалось, что «от меннонитов других областей таких просьб не было, а в Туркестане их мало и из-за них нет смысла вносить изменения в документы»<sup>21</sup>.

Укажем, что не все меннониты, прибывшие в Ташкент, согласились перебраться на выделенные им земли. Летом 1881 г. 30 семей меннонитов, как свидетельствуют документы, наиболее обеспеченных, на 48 фургонах прибыли из Ташкента в Самарканд с намерением продвигаться в Бухару, а если откажут, то далее, за границу. Они надеялись, что там им не придется нести воинской повинности ни в какой форме, в том числе в виде службы в лесных и пожарных командах.

<sup>15</sup> Там же, л. 28, 30, 32, 46—48.

<sup>16</sup> Россия: Полное географическое описание нашего отечества. Т. 19. Туркестанский край/Под ред. В. П. Семенова-Тянь-Шаньского. СПб., 1913. С. 326, 491.

<sup>17</sup> ЦГА РУз, ф. И-17, оп. 1, д. 32816, л. 1.

<sup>18</sup> Там же, д. 16981, л. 29.

<sup>19</sup> Там же, ф. И-7, оп. 1, д. 3103, л. 103.

<sup>20</sup> Там же, ф. И-1, оп. 1, д. 1987, л. 2.

<sup>21</sup> Там же, л. 21, 32, 34.

Бухарское правительство отказало депутации меннонитов, прибывшей из Кап-ланбека, в их просьбе, мотивируя это тем, что «у них земли мало, а в воде нуждаются сами»<sup>22</sup>.

Несмотря на отказ, меннониты продолжили свое движение и остановились лишь близ границы с эмиратом. Здесь, недалеко от Джизака, 7 августа 1881 г. их повстречал статский советник Ибрагимов. После беседы с переселенцами он направил телеграмму туркестанскому генерал-губернатору с запросом: «допустить ли меннонитов свободно следовать в Бухару и какие действия предпринять?» Генерал-майор Колпаковский в ответ предложил не возбранять меннонитам следовать в Бухарские владения. При этом он потребовал взять с них подписку о том, что они знают, что, оставив российские владения, потеряют право на льготы по отбыванию воинской повинности. Бухарское же правительство в приюте переселенцев может поступать по своему усмотрению<sup>23</sup>.

Эмир бухарский, узнав о заболевании и смерти нескольких меннонитов, в октябре 1881 г. выразил устное желание принять их. Однако, получив сообщение из Туркестанского генерал-губернаторства о том, что меннониты должны быть расселены вдали от границ России и им «не дозволяется являться в русские пределы ни для свиданий с родственниками и единоплеменниками и ни для каких бы то ни было надобностей», передумал<sup>24</sup>. Эмир отказался принять их в подданство, мотивировав это тем, что он думал, что, помимо этих семейств, меннонитов больше нет, а кроме того, они не знают языка, не умеют обрабатывать землю, и их женщины открытыми лицами подадут дурной пример местным<sup>25</sup>. Видимо, эмир побоялся каких-либо осложнений и предпочел вновь подтвердить свой первоначальный отказ.

Тирик қолган бир ярадоғ меркитдан бўлган воқеани сўраб билади<sup>21</sup>. Ҳуршоҳнинг талқинида ўша кезлар хоразмшоҳ бир неча кун давомида майхўрлик билан машғул бўлиб, Нишопурдан Бухоро ва Самарқандга ва ундан ҳам бир неча манзил шимолга ўтади. Шу пайт Чингизхоннинг нўйонларидан бири Тўқа Нўқай ўз лашкари, қавми ва қабилалари билан қочиб, қанқли туркларининг ҳузурига Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Жанд тарафига келади. Хоразмшоҳнинг айғоқчилари бу воқеадан уни хабардор қиладилар. Хоразмшоҳ у билан тўқнашиш мақсадида тезда Жанд тарафига юради. Бу орада унинг айғоқчилари «Чингизхон Тўқа Нўқайнинг орқасидан аскар билан ўз ўғли Жўчини юборипти», деган хабар келтирадилар. Шунда хоразмшоҳ бироз тўхтаб, Самарқанддан қолган қўшинларининг етиб келишини кутади. Шундан сўнг юришни давом эттириб, Жанддан ўтади ва кенг чўлга чиқиб, у ерда қирғин жанг бўлганлигининг аломатларини кўради: чўлда кўп ўлик ётган эди. Тирик қолган бир неча ярадорлардан Жўчихон етиб келиб, Тўқа Нўқайнинг одамлари билан жанг қилиб, уларни қиргани ва Тўқанинг ўзини асир қилиб олиб кетганини эшитилади. Хоразмшоҳ 80 минг кишилик лашкари билан юришни тезда давом эттириб, ўша кун кечки пайтда Жўчининг ўрдусига етиб олади ва ўзи ҳам ўша ерда тўхтади. Эртаси эрталаб хоразмшоҳ лашкарлари саф тортиб, жангга ҳозирланиб туради. Буни кўрган Жўчихон бир одамани хоразмшоҳнинг ҳузурига юбориб, «Лашкарингни саф тузганингдан жангга майлинг борлиги кўринади. Лекин мен сен билан жанг қилишга отадан рухсат олмаганман», деган хабарни етказди. Бу орада «мўғул аскарлари султоннинг маст ва мағрурлигини кўриб, уларнинг жасоратлари устун келиб, султон лашкарининг қалбига ҳамла қиладилар ва биринчи ҳамладаёқ унга шикаст етказадилар. Улар султонни асир қилишларига оз қолганида, султон Жалолиддин Менгбурни отасининг аҳволи оғирлигини кўриб, дарҳол ўнг қанотдаги ўз жойидан қалбга ёрдамга келади. Душман устидан ғалаба қилиб, отасини уларнинг қўлидан халос қилади»<sup>22</sup>. Жанг ўша кун кечгача давом этади. Қоронғу тушиши билан ҳар икки лашкар ўз ўрдусига қайтади. Жўчихон жангни давом эттириш, ўз фойдасига бўлмаслигини сезди шекилли, ўша кеча ўрдусини йиғиб, отасининг ҳузурига кетади ва бориб, бўлган воқеани, Жалолиддиннинг шиддати ва жасоратини айтади. Буни эшитиб, «Чингизхон ғазабининг оташи аввалгидан ҳам кучаяди»<sup>23</sup>.

Аmmo бу воқеадан сўнг хоразмшоҳ султон Алоуддин Муҳаммаднинг ичига қўрқув ва ваҳима тушиб қолади. Шуниси диққатга сазоворки, бу воқеадан сўнг хоразмшоҳнинг мунажжимлари ўша йил учун таҳвил ечиб, бахт «авлодлардан соқит, нахс — «нозир»да, толиҳ даражасининг йўналиши ва «ўнинчи уй» зулмат даражасига етади; давлат ишларида йирик ишларга қўл урмаслик ва айниқса қарама-қаршилиқ ва жанг ишларига қўл урмаслиқни тавсия қиладилар. Улар бу билан султоннинг паришонхотирлигини янада кучайтирадилар. Манбада айтилишича, мунажжимларнинг бу ҳукмидан сўнг хоразмшоҳнинг қўли ҳам, дили ҳам жангдан тортилади ва дилида қочишга майл пайдо бўлади. У мамлакатни ҳимоя қилишга берилган кўп яхши маслаҳатларни қабул қилмай, 400 минг кишилик лашкарини шаҳарлар бўйлаб тақсимлайди. Шулардан 60 минг кишини — Утторга, 30 мингини — Бухорога, 110 мингини — Самарқандга ва 60 минг кишини шу икки шаҳар атрофидаги қалъалар ва ҳисорларга тақсимлайди. Ўзи эса 140 минг аскар билан Хуросон тарафига йўл олади. Самарқанддан ўтаётиб, шаҳар ҳандақининг бўйида бир соатча туради ва бир оҳ тортиб, «Душман сипоҳийларининг сони менинг назаримда шу қадар кўпки, агар улар барчаси қамчинларини бу ҳандаққа ташласалар, у тўлиб қолади» дейди ва бу билан шаҳар ҳимоячиларининг ва аскарларининг руҳини анча туширади. Унинг кўнглидаги ваҳима кундан-кунга ортиб борарди, ҳар учраган кишидан у «Нима маслаҳат берасиз?»<sup>24</sup> деб сўрарди. Султоннинг бундай таҳликага тушиб қолишининг оқибати нима бўлганлиги тарихдан маълум.

Биз юқоридан келтирган мулоҳазалардан хулоса қилиб айтш мумкинки, Ҳуршоҳ ибн Қубоднинг «Тарихи элчи Низомшоҳ» асари ўзининг баъзи нуқсонларидан мустасно, Ануштегиний Хоразмшоҳлар тарихини тўлиқроқ тавсифлашга дастак бўла олади. Шунинг учун ҳам у ўзбек давлатчилиги тарихидан муҳим манбадир.

*М. Ҳамдамова*

<sup>21</sup> Буниёдов З. Уша асар, 168-бет.

<sup>22</sup> «Тарихи элчи Низомшоҳ», саҳ. 199 б—200 а.

<sup>23</sup> Уша ерда.

<sup>24</sup> Уша асар, саҳ. 200 б.

## ИСТОРИОГРАФИЯ

### О ИСТОРИЧЕСКОЙ КОНЦЕПЦИИ А. З. ВАЛИДИ

Как известно, становление Ахмада Заки Валиди (1890—1970) как историка Туркестана и вообще тюркоязычных народов происходило в начале XX в. Он стал автором многих научных трудов. Особенностью методологического подхода А. З. Ва-

Валиди, в частности при создании его учебника «История тюрков»<sup>1</sup>, стало то, что он, наряду с использованием фундаментальных, изданных к тому времени в Европе и России арабских, персидских и тюркских памятников, умело вводит в научный оборот народные легенды, фольклорно-этнографические сведения как общетюркского характера, так и принадлежащие отдельным народам. Этого метода А. З. Валиди придерживался на протяжении всей его творческой жизни.

Своим содержанием, основными аспектами трактовки истории Средней Азии и вообще тюрко-мусульманских народов книга «История тюрков» принесла А. З. Валиди большую известность. «Мой труд по истории тюрков,— писал он намного позже,— совершенно неожиданно для меня самого в течение всего лишь нескольких месяцев сделал меня известным»<sup>2</sup>.

Чтобы лучше понять причины довольно быстрого становления А. З. Валиди как историка, необходимо, помимо прочего, хотя бы вскользь ознакомиться с отзывами, рецензиями на его первый труд и выяснить, чем было вызвано столь заинтересованное внимание к нему не только в научном мире, но и среди различных слоев общества, особенно тюрко-мусульманских народов.

Когда работа А. З. Валиди еще печаталась, один из редакторов, работавших у казанского издателя Идрисова, известный ученый, просветитель Алимджан Ибрагимов опубликовал в газете «Юлдуз» в 1911 г. статью, где выразил высокую ее оценку и мнение о том, что «История тюрков» «станет служить важным исследованием по нашей национальной культуре»<sup>3</sup>.

Подборку основных частей книги начал публиковать журнал «Тюрк юрду» («Отечество тюрков»), главным редактором которого был Юсуф Акчура, а затем там была напечатана и рецензия на нее<sup>4</sup>.

О книге отзывались и другие специалисты, в том числе из Оренбурга — издатель газеты «Закт» опубликовал свои письма к А. З. Валиди; из Крыма — известный ученый-просветитель Исмаил Гаспринский в выпускавшейся им общетюркской газете «Таржумон»; из Казани — профессора Н. Катанов и Емельянов, опубликовавшие свои отзывы в русских научных изданиях. Положительные отзывы дали также: в Германии — известный востоковед Мартин Хартман, в Венгрии — проф. Арминий Вамбери.

Такие видные специалисты тех лет, как Ризван Нафис, Ф. Купрулу-заде, Ю. Акчура из Стамбула, просветители Ашурали Захири и Юнусджан Ходжи Додамухамедов Агалык-оглы из Туркестана, известный просветитель, ученый и демократический лидер Азербайджана Хусайн-заде Али Бей и многие другие, стали называть А. З. Валиди «великим тюркским историком» («Буюк турк муаррихи»). Не ограничиваясь перепечаткой разделов «Истории тюрков» в газетах и журналах, они и сами, воодушевившись содержанием «Истории тюрков», написали ряд работ по истории тюрко-мусульманских народов.

Надо указать, что и до этого труда А. З. Валиди, и позже многие его современники создавали труды как по общей истории тюрко-мусульманских народов, так и по истории отдельных тюркских государств, регионов и династий. Но «История тюрков» Валиди стала широко известной, помимо ее научной и источниковой основательности, во многом потому, что он написал не просто историю тюрков вообще, а обратился к ее древним и средневековым периодам, незаслуженно забытым или освещенным утрированно, однобоко.

Средневековая отсталость, консервативность образа жизни, повсеместное господство патриархальных традиций, сбычаев, утрата исторической памяти наряду с колониалистской идеологией препятствовали познанию того, откуда происходили, кем были, какие великие империи, государства, цивилизации создали тюркские народы. В таких условиях трудно было восстановить историческую память народов, пробудить у них интерес к прошлому, желание осознать настоящее и представить свое будущее. А потому столь важное значение имело появление новых, правдивых трудов по истории тюркских народов, в частности Туркестана.

Однако многие авторы таких трудов, оказываясь под влиянием традиций восточной историографии, зачастую были далеки от современного уровня исторических исследований, в том числе по истории Туркестана, недостаточно владели современными методами научных изысканий, особенно принципами научной объективности, историзма, рационалистической критики.

Что касается А. З. Валиди, то он был не просто основательно подготовлен, в частности и в духе традиций восточных исторических школ, не просто сумел сочетать их с научными методами, принципами современной западноевропейской нау-

<sup>1</sup> История тюрков и татар. Ч. I. Казань, 1912. 280 с., 1 карта (такое название его труда дано было, вопреки воле автора, издателем его книги).

<sup>2</sup> Prof. Zeki Velidi Togan. Haritalar: Turkistan ve diger Musulman Dogu Turklerinin milli varlik ve kultur mucadeleleri. Ankara, 1999. S. 17.

<sup>3</sup> См.: газ. «Юлдуз». Казань, 1911. См. также: Тоган А. З. В. Указ. соч. С. 105.

<sup>4</sup> См.: Юсуф Акчура. Ред. на кн. «Турк ва татар тарихи»//Ж. «Турк йурду». Истанбул, 1912. № 7.

ки — критического источниковедения и исторической методологии, но и органически увязал их с приоритетными идеалами национального возрождения тюрко-мусульманских народов, с задачами их борьбы за национально-государственную независимость как Башкортостана, так и Туркестана и других регионов.

Все это проявилось в органически взаимосвязанной научной и политической деятельности А. З. Валиди, который, не порывая связи с историческим прошлым, традициями, сумел квалифицированно подойти к трактовке западноевропейских форм жизнедеятельности народов. Он наглядно показал это как в ходе научных изысканий, так и в раскрытии истории, образа жизни и мировоззрения тюрко-мусульманских народов, а также в анализе состояния мира тюркологии, этнографии, востоковедения, исламоведения того времени.

Убедительным примером тому служит его труд «История тюрков». Говоря о значении этой книги в первой четверти XX в., А. З. Валиди писал: «Все это — исторические судьбы и воля тюрков — было показано на основе анализа, исследования и обобщения как восточных, так и европейских источников, органически и гармонично, естественноисторически, современными научными методами и языком»<sup>5</sup>.

Этот исторический труд А. З. Валиди вызвал особый интерес в Туркестане. Видный деятель джадидизма, автор ряда учебников для школ и медресе Махмудходжа Бехбуди, занимавший высокий пост муфтия Самарканда, пригласил его преподавать тюркскую историю в возглавляемом им медресе. Тогда еще юный, но уже ставший известным поэтом Абдулхамид Сулайман-оглы (Чулпан), познакомившись с книгой Валиди, стал его поклонником и в своих письмах приглашал посетить Андижан. И действительно, в 1913 г. А. З. Валиди и кокандский просветитель Назир Тюркулов побывали в доме отца Чулпана в Андижане.

Особое восхищение вызвал труд Валиди у кокандских просветителей Ашурали Захири и Юнусджана Хаджи Агалык-оглы, которые сочли необходимым прибыть в Уфу и лично выразить А. З. Валиди свое удовлетворение его книгой. С тех пор они подружились на всю жизнь, став друзьями-единомышленниками. «...Самую высокую оценку моего исторического труда,— писал Валиди,— с точки зрения фундаментальных интересов моей нации — самые совершенные проявления признания научного достоинства, судьбоносного влияния своей книги я увидел тогда, когда Ашурали Захири и Юнусджан Хаджи Агалык-оглы, занимавшиеся нашей общей историей в Туркестане, ...прочитав мою книгу, попав под сильное ее влияние, приехали в наш аул. Они были из жителей города Коканда Ферганской области. Ашурали был преподавателем, а Юнусджан Хаджи происходил из древнего знатного рода семьи «агалыков», принадлежавшей ко двору кокандских ханов, был богатым человеком. От отца Юнусджану осталось определенное количество исторических рукописей, а впоследствии и сам он покупал подобные рукописи, и, таким образом, была создана ценнейшая коллекция рукописей. Оба они (Ашурали Захири и Юнусджан Агалык-оглы.— М. А.) хотели писать историю ферганских ханств, но не знали, как и с чего начать, как использовать русские источники, испытывали затруднения в определении роли и места Ферганы в истории тюрков и Туркестана. Моя книга, которая поставила по своим местам все события истории тюрков, разрешила все их затруднения. Они отправились путешествовать в Оренбург, Казань и Уфу. В Уфе получили мой адрес и написали мне письмо. Они... приехали к нам... Они пребывали у нас дней десять-пятнадцать и радовали меня, моего отца и дядю, рассказывая, какое поворотное, замечательное впечатление произвела моя книга в Туркестане. Они... объясняли, что было бы целесообразно, чтобы во втором издании книги отводилось больше места истории Туркестана, и что в этом деле окажут мне всякое содействие, и пригласили меня в Фергану. Действительно, эти два высокоуважаемых человека остались моими кровными родственниками и верными друзьями до конца своей жизни»<sup>6</sup>.

Вместе с тем следует подчеркнуть, что высокая оценка первого труда молодого А. З. Валиди «История тюрков», данная крупным востоковедом В. В. Бартольдом, и благожелательное отношение к нему авторитетных представителей так наз. «русской академической школы либеральных востоковедов»: профессоров Н. Катанова, Н. Ашмарина, В. В. Радлова, К. Залемана, В. В. Вельяминова-Зернова и др.— во многом предопределили путь Валиди в большой науке.

Эти видные ученые увидели в первом же труде А. З. Валиди практические доказательства того, что он является фундаментально подготовленным исследователем востоковедческого плана. Они не ограничились избранием А. З. Валиди действительным членом «Общества археологии и истории» при Казанском университете и вручением ему диплома, подтверждающего это решение ученого Совета. Выступая на общем собрании указанного Общества, проф. Н. Катанов и другие предложили направить А. З. Валиди в научную командировку в Туркестан для изучения тюркской истории, сбора этнографических материалов, рукописных источников и т. п. «Такая высокая оценка моей нации и такие призывы ученых-востоковедов привели

<sup>5</sup> То ган А. З. В. Указ. соч. С. 107.

<sup>6</sup> Там же. С. 108—109.

меня к тому, что я вплотную связал свою дальнейшую судьбу исключительно с тюркской историей»<sup>7</sup>.

Проявив такую заинтересованную заботу о научном будущем молодого ученого, историки, источниковеды и востоковеды Российской Академии наук, равно как и западноевропейские востоковеды, стремились поднять на более высокий уровень развитие востоковедения, добиться качественного сдвига в изучении Востока непосредственно на базе первоисточников, в выявлении новых рукописей, организации переводов текстов источников на европейские языки и их исследования. Причем особо значимо то, что они хотели реализовать все это не силами специалистов-европейцев, а усилиями востоковедов — выходцев из самого Востока. Ибо они не только были бы в состоянии адекватно переводить восточные рукописи, но и близко чувствовали бы суть этих рукописных источников, сумели бы свободно оперировать специфическими понятиями, категориями, принципами, а вместе с тем применять европейские научные методы и методологию. Поэтому они прилагали немало усилий для того, чтобы из среды образованных представителей восточных народов готовить высококвалифицированных переводчиков, востоковедов, антропологов, источниковедов, этнографов, эпиграфистов, палеонтологов-лингвистов, историков, религиоведов, социологов, философов и т. п. Именно такое отношение они проявляли и к А. З. Валиди.

Позитивное отношение акад. В. В. Бартольда, западных и восточных историков к исторической концепции А. З. Валиди принесло ему значительную пользу. Можно отметить и роль в этом деле проф. А. А. Семенова, А. Н. Самойловича и других видных ученых. Высоко оценив востоковедческие, исторические изыскания А. З. Валиди, особенно его книгу «История тюрков», они направляли ему письма, приглашения побывать или поработать преподавателем истории тюркских народов, сотрудничать в журналах, газетах и издательствах. Многие благожелатели призывали его еще больше расширить как географию, так и источниковую базу его концепции по истории тюрко-мусульманских народов, повысить теоретический уровень исследований и даже написать соответствующие требованиям времени новые учебники по истории тюрко-мусульманских народов.

В частности, судя по содержанию письма, довольно образованный человек того времени Махмуд Абдулла ал-Муслими, обратившись в журнал «Шуро», выразил следующие мысли: «Господин Ахмад Заки... в первоначально изданном великом труде «История тюрков» сделал большой подарок истинным любителям истории... Она, наверняка, будет продолжать оказывать такую службу нашей нации и в дальнейшем». Подобные письма отправляли слушатели медресе «Хусейния» Абдулхамид ал-Муслими и др. А учитель школы аула Ямали Астраханской губернии Умар Алаши, отмечая исторические труды и заслуги других историков, в частности Ибрахима Халфина, и сравнивая с ними труды А. З. Валиди, заявил: «Однако... все это уступает тому, что пишет господин Валиди»<sup>8</sup>.

Учитель из Верного (ныне — Алматы), башкир Сабирджан ал-Курманш, один из постоянных авторов статей журнала «Шуро», в статье «Миллий тарих керак» («Нужна национальная история»), давая высокую оценку исторической концепции Ахмада Заки по его труду «История тюрков» и сравнивая его с другими использованными в медресе учебниками по истории, в том числе книгами Хасан Ата, Баттал-Афанди и др., писал: «Но все-таки историческая книга молодого муарриха (историка) господина Заки Валиди превосходит всех, содержит много новых источниковедческих сведений, годится как книга на общетюркском языке для завершающих классов рушлийских школ...»<sup>9</sup>

Столь же высокую оценку «Истории тюрков» А. З. Валиди дал муфтий Махмудходжа Бехбуди из Самарканда в своей статье-отклике «Туркистон тарихи керак», включившись в разгоревшуюся тогда дискуссию на страницах журнала «Ойна» под общим заглавием «Кто пишет нашу национальную историю?»

М. Бехбуди со знанием предмета дискуссии, отмечая как источниковедческие аспекты, так и связанные с концепцией, методологией проблемы изучения и освещения истории на уровне современных требований, а также трудности написания книги по национальной истории, резонно замечал, что именно из-за отсутствия научно обоснованной истории Туркестана было невозможно объяснить, «куда девались исторические свершения великих наших героев-предков, почему мы вверглись в пучину средневековой отсталости, предрассудков, почему мы не можем привести в движение созидательную волю нашей нации, как нам выбраться из глубокого исторического кризиса и как добиться восстановления своей национальной государственности и обрести независимость». «В настоящее время, — продолжал М. Бехбуди, — написание подобной исторической книги является архитрудной задачей, и мы не в состоянии осуществить эту задачу. Поэтому такую услугу мы можем ожидать от

<sup>7</sup> Там же. С. 108.

<sup>8</sup> Салихов Ахат. Эхметзаки Валиди Туган. Асэрдэр, 1917 йилга кэдэр язылган эсэрдэре. Офо, 1966. С. 190—191.

<sup>9</sup> Сабирджан ал-Курманш. Миллий тарих керак//Ж. «Шуро». 1914. № 19.

калама (пера.— М. А.) нашего молодого муарриха, господина Ахмада Заки Валиди, близко соприкасающегося с недавних пор с историей Туркестана»<sup>10</sup>.

Особый интерес всех специалистов, ознакомившихся с трудом А. З. Валиди «История тюрков», вызывали его историческая концепция, методология, новый подход к изучению и освещению истории тюркоязычных народов, в том числе Туркестана. Они сформировались у него не только под влиянием многовековых традиций восточной историографии, но и в результате глубокого осмысливания методологии и принципов трудов российских и европейских ученых. Они породили у молодого Валиди стремление к аналитическому освещению истории тюркоязычных народов с позиций подлинно научных критериев, рационалистического критицизма, на базе глубокого изучения первоисточников в свете нового мышления и в тесной увязке с актуальнейшими проблемами современной ему эпохи, исходя из интересов духовного возрождения тюркоязычных народов, обретения ими своей независимости и национальной государственности.

В итоге этих творческих исканий А. З. Валиди встал, как он писал, «на верный путь исследования истории тюркских народов»<sup>11</sup>. Его взор ученого-исследователя охватывал и обобщал исторические судьбы тюркоязычных народов в целом — и тех, кто проживал в России, и тех, кто жили на территории Турции, Китая и др. Особое значение придавал он их языковой, духовной, культурной общности, общности исторических корней и древних традиций.

В своей обобщающей характеристике исторического прошлого тюркоязычных народов А. З. Валиди придавал большое значение влиянию географо-экономических факторов. В частности, он писал, что «народы формируют, воспитывают их родные земли обитания»<sup>12</sup>. Но вместе с тем их исторические судьбы, особенно в связи с контактами с другими народами, находятся в развитии, и это обуславливает их прогресс, о чем подробно говорится в книге «История тюрков» и других трудах А. З. Валиди, внесших весомый вклад в историографию тюркоязычных народов Средней Азии и других регионов, благодаря большому таланту и кропотливым усилиям этого выдающегося ученого, заслужившего высокий авторитет в мировой науке.

*М. Абдураманов*

<sup>10</sup> Маҳмудхожа Беҳбудий. Туркистон тарихи керак//Ж. «Ойна». 1914. № 38; его же. Танланган асарлар. Тошкент, 1999. С. 178—179.

<sup>11</sup> Там же. С. 76.

<sup>12</sup> Там же. С. 75.

## ЯНГИ КИТОБЛАР

**А. Х. САИДОВ. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ**

ДАРСЛИК

(Тошкент: Адолат, 2001. 368 бет)

Таниқли олим, юридик фанлари доктори, профессор А. Х. Саидов томонидан тайёрланган дарслик жуда долзарб бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий амалиётдан келиб чиққан ҳолда тайёрланган.

Унда ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши, унинг асосий тушунчалари ва принциплари, институтлари ва соҳаларининг тараққиёт қонуниятлари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий муносабатлари билан боғлиқ бўлган ушбу дарслик биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқда тутган ўрни ва у билан боғлиқ бўлган муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берди.

Мазкур, халқаро ҳуқуқ дарслиги кириш, уч қисм (23 мавзу) ва халқаро ҳуқуққа онд иловалардан иборат.

Дарсликнинг 1-(умумий) қисми «Халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари ва институтлари» деб номланиб, у 8 та мавзудан иборатдир:

1-мавзу «Халқаро ҳуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти» (15—29-бетлар), деб аталиб, унда халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, тушунчаси (таърифи), халқаро ҳуқуқ объектлари, функциялари, халқаро ҳуқуқ ва давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизими, халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқда меъёрларни яратиш жараёни, халқаро ҳуқуқ тизими, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси, халқаро ҳуқуқ ва Конституция масалалари ёритилган.

2-мавзу «Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши тарихи» (30—45-бетлар), деб номланиб, унда қадимги дунё халқаро ҳуқуқи, ўрта асрларда халқаро ҳуқуқ, ҳозирги давр халқаро ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши батафсил кўрсатилган.

3-мавзу «Халқаро ҳуқуқ манбалари»га бағишланиб, унда халқаро ҳуқуқ нормалари тушунчаси, халқаро ҳуқуқий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ нормаларини таснифлаш (классификациялаш), халқаро ҳуқуқ манбалари тушунчаси, халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари, халқаро ҳуқуқни системалаштириш ва кодификациялаш масалалари ёритилган (46—57-бетлар).

4-мавзу «Халқаро ҳуқуқ субъектлари» мавзусига бағишланиб, унда халқаро ҳуқуқ субъекти тушунчаси, давлат халқаро ҳуқуқнинг субъекти эканлиги, давлатнинг ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқда суверенитети, давлатга ўхшаш тузилмалар, миллатлар ва халқлар, халқаро ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида эканлиги батафсил кўрсатилган (58—84-бетлар).

5-мавзу «Халқаро ҳуқуқ тамойиллари»га бағишланиб (85—98-бетлар), халқаро ҳуқуқ тамойиллари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари, халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойиллари ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқ тамойиллари чуқур таҳлил қилиб берилган.

6-мавзу «Халқаро ҳуқуқда ҳудуд ва бошқа майдонлар» (99—112-бетлар), деб номланиб, унинг тушунчаси ва турлари, давлат ҳудудининг ҳуқуқий мақоми, давлат чегараси тушунчаси ва турлари, халқаро дарёлар, ҳудудий низо, денгиз майдони, ҳаво бўшлиғи ва бошқа бир қатор масалалар кўрсатилган.

7-мавзу «Халқаро ҳуқуқда аҳоли» муаммосига бағишланиб, унда халқаро ҳуқуқда аҳоли тушунчаси, халқаро ҳуқуқда фуқаролик, қочоқлар, кўчирилган шахслар, чет эл фуқароларининг ҳуқуқий мақоми, давлатга кириш ва чиқиб-кетиш тартиби, сиёсий бошпана тушунчаси ва унинг берилиши оқибатлари кенг тушунтириб берилган (113—122-бетлар).

Шунингдек, 8-мавзу «Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик» масаласига бағишланган бўлиб, халқаро ҳуқуқда жавобгарлик тушунчаси, турлари, шакллари, унинг келиб чиқиш асослари ва уни авалга ошириш, халқаро жиноят тушунчаси ва у билан боғлиқ жавобгарлик муаммолари кенг ёритилган (123—130-бетлар).

Дарсликнинг Махсус қисми — «Халқаро ҳуқуқнинг асосий соҳалари»га бағишланган бўлиб, 9—21-мавзулари ўз ичига олади.

9-мавзу «Халқаро шартномалар ҳуқуқи» деб аталиб, унинг тушунчаси, манбалари, объекти, мақсади, шакли, тузилиши, номи, унинг кучга кириши ва ҳаракат тартиби, ҳақиқийлиги, тўхтатилиш ҳамда ижросини таъминлаш усулларига оид бошқа бир қатор масалалар кўрсатилган (131—147-бетлар).

10-мавзу «Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи»га бағишланган бўлиб, унинг тушунчаси, тизими, манбалари, дипломатик ваколатхоналарнинг функцияси ва таркиби, дипломатик корпус, улар ходимларининг иммунитети, имтиёзлари, имкониятлари ва бошқа бир қатор масалалар кенг ёритилган (148—163-бетлар).

11-мавзу «Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи» деб номланиб, уларнинг тушунчаси, таснифи, юридик табиати, ҳуқуқлари, ваколатлари ва функциялари, органлари, БМТ органларининг роли ва тизими, минтақавий халқаро ташкилотлар, МДҲ ва халқаро конференциялар фаолиятларига кенг эътибор берилган (164—189-бетлар).

12-мавзу «Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик» масаласи бўлиб, (190—206-бетлар) халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари, ушбу соҳада давлатларнинг ҳамкорлиги, халқаро стандартлар, унинг таснифи, ҳамкорлигининг ривожланиш тарихи, БМТ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи миллий институтлар фаолияти ёритилган.

13-мавзу «Халқаро иқтисодий ҳуқуқ» деб номланиб, унинг тушунчаси, иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, шакллари ва бу муносабатлар соҳасида халқаро ташкилотлар иштирокига кенг аҳамият берилган (207—214-бетлар).

14-мавзу «Халқаро экология ҳуқуқи» деб номланиб, унинг тушунчаси, манбалари, тамойиллари, халқаро экология ташкилотлари, денгиз муҳитини, атмосфера, ер яқинидаги космик фазони, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга кенг эътибор берилган (215—221-бетлар).

15-мавзу «Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик» (222—231-бетлар) бўлиб, унинг тушунчаси, давлатлар ҳамкорлигининг асосий соҳалари, ушбу соҳада ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, халқаро стандартлар, халқаро ҳамкорлик ва халқаро ташкилотлар, интерполнинг халқаро қидируви каби масалалар ёритилган.

16-мавзу «Халқаро денгиз ҳуқуқи» масаласини ўз ичига олиб, унинг тушунчаси, ички денгиз сувлари, ҳудудий денгиз тушунчаси, ҳуқуқий мақоми, халқаро каналларнинг ҳуқуқий мақоми, континентал шельф, халқаро денгиз ташкилотлари ва бошқа бир қатор масалалар тушунтириб берилган (232—241-бетлар).

17-мавзу «Халқаро ҳаво ҳуқуқи» деб номланиб, унинг тушунчаси, тамойиллари, халқаро ҳаво қатновини ҳуқуқий тартибга солиш, халқаро фуқаролик авиацияси ташкилоти (ИКАО) ва бошқа муаммолар ёритилган (242—244-бетлар).

18-мавзу «Халқаро космик ҳуқуқ» масаласига бағишланиб, унинг тушунчаси ва манбалари, ундан фойдаланиш, жавобгарлик, космик фазо ва самовий jismlарнинг ҳуқуқий мақоми, мазкур соҳада халқаро ҳамкорлик, космик субъектларнинг ҳуқуқий мақоми каби муаммолар ёритилган (245—249-бетлар).

19-мавзу «Халқаро низоларни ҳал этишининг йўл билан ҳал этиш тамойили» деб номланиб, унда халқаро низо тушунчаси, уни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили

нинг юридик табиати, халқаро ташкилотларнинг халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишдаги ўрни масалалари кенг кўрсатилган (250—254-бетлар).

20-мавзу «Қуролли элдидиятлар даврида халқаро ҳуқуқ» деб аталиб, унда халқаро гуманитар ҳуқуқ тушунчаси, уруш олиб боришни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш, урушнинг бошланиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари, ҳарбий ҳаракат иштирокчилари, уруш олиб боришнинг усул ва воситаларини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий нормалар, бетараф давлатлар, урушнинг тамом бўлиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари, халқаро қизил хоч ва қизил ярим ой ҳаракатининг асосий тамойиллари каби масалалар кенг ёритилган (255—267-бетлар).

21-мавзу «Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи» деб номланиб, унинг тушунчаси, хавфсизликни таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий воситалари, коллектив хавфсизлиги тушунчаси, ядровий урушни бартараф этиш, қўшилмаслик ҳаракати каби муаммолар батафсил ўрганилган (268—280-бетлар).

Дарсликнинг 3-қисми: «Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси» деб номланиб, 22—23-мавзуларни ўзида мужассамлаштирган.

22-мавзу «Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясининг моҳияти ва асосий йўналишлари» масаласига бағишланган бўлиб, давлат суверенитети ва ташқи сиёсат, Ўзбекистон дипломатиясининг асосий тамойиллари, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари каби ҳолатлар кенг ёритилган (281—291-бетлар).

23-мавзу «БМТ ва Ўзбекистон Республикаси» деб номланиб, дунё ҳамжамияти ва БМТ, Ўзбекистон Республикаси — БМТнинг аъзоси, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ва Ўзбекистон каби масалалар батафсил ёритилган (292—302-бетлар).

Ниҳоят, дарсликнинг охиридаги иловаларда халқаро ҳуқуқ фани бўйича дастур, БМТга аъзо давлатлар рўйхати, дунё давлатларининг миллий байрамлари, Ўзбекистон Республикаси дипломатик алоқалар ўрнатган давлат, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги аъзолиги, Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган ёки қўшилган халқаро кўп томонлама конвенциялар ва шартномалар рўйхати кўрсатилган (303—364-бетлар).

Дарслик олий юридик ўқув юртлирининг талабалари, аспирантлари, докторантлари, ўқитувчилари, ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа халқаро муносабатлар соҳасига ихтисослашган идоралар, ташкилотларнинг ходимлари учун ҳамда халқаро ҳуқуқ муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

*Ж. Холмўминов*

## **АБДУҚАҲҲОР ИБРОҲИМОВ. БИЗКИМ, ЎЗБЕКЛАР**

**(МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР)**

**(Тошкент: Шарқ, 1999. 400 бет)**

Абдуқаҳҳор Иброҳимов қаламига мансуб «Бизким ўзбеклар» китоби бугунги куннинг жуда долзарб масалаларига бағишланган. Унда ўзбек халқининг этник шаклланиши ва тараққиёт босқичлари сингари муҳим тарихий масалалар ҳақида сўз юритилади.

Асар кенг китобхон оммасига ҳали маълум бўлмаган қизиқарли маълумот ва далилларга, фалсафий мушоҳадалар ва ҳаётий кузатувларга бойлиги билан, янгича талқини, тарих, тарихнинг келиб чиқиши ва моҳиятига берилган ўзига хос таъриф-тавсифлари билан ажралиб туради.

Китоб қизиқарли ва тушунарли, равон тил билан ёзилган. Ҳар бир боб умумий мавзудан келиб чиқадиган ва уни тўлдирга борадиган мазмун-моҳиятига эга. Боблар ўртасидаги боғланишлар бир-бирига уйғун ва мантиқан асосланган. Уларни ўқиб борар эканмиз, кўчманчи турмуш ва ўтроқ ҳаёт манзаралари, улар ўртасидаги тафовутлар билан, тарихий ва ҳозирги қўшниларимиз билан, шаҳарларимиз маърифат ва маънавият ўчоқлари бўлганлиги билан, давлатимизни бошқарган сулолалар фаолияти билан, ислом динидаги йўналишлар, мазҳаблар ва давлат муносабатлари билан, давлат тили, миллий масъулият нима, фуқаролик масъулияти нима эканлиги билан, миллий давлатчилигимиз таянчлари нималардан иборат эканлигини ва шу каби маърифий ва маънавий озуқа берувчи маълумотлар билан танишамиз.

Китобнинг йигирма тўққизта бобида умумтарих, ўзбекларнинг ўтмиш тарихи, миллий давлатчилигимиз тарихига доир тушунчалар, Ислам Қаримов айтган фикрларидан келиб чиққан ҳолда, шу фикрларни шарҳлаш йўсинда хикоя қилиб, тарих фани ва илоҳиётга оид айрим тушунча ва атамаларга қисқача тўхтаб ўтилган бўлса, ўттизинчи бобда эса бевосита Юртбошимизнинг мамлакат раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатидаги фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Муаллиф Ислам Қаримовнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг даврий босқичларини қуйидагича белгилайди:

Биринчи босқич. 1989 йилнинг ёзидан 1990 йилнинг баҳоригача бўлган давр. Бу даврда Ислоҳ Қаримов лавозими бўйича марказкомнинг биринчи котиби деб аталса-да, амалда Юртбоши сифатида республикамизни бошқарди, халқимизнинг туб миллий манфаатларини кўзлаб иш юритди.

Иккинчи босқич. 1990 йилнинг баҳоридан 1991 йилнинг 31 августигача, яъни «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги Асослари тўғрисида»ги Қонуни эълон қилингунча бўлган давр. Бу босқичда Юртбошимиз давлат арбоби сифатида республикамизнинг илгариги ва ўша кезлари амалда бўлган Конституцияларида баён этиб келинган-у, бироқ қолиб кетган мустақиллик ҳуқуқини де факто тарзда тиклади; республикамизда президент лавозими ва президентлик бошқаруви собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб жорий этилди.

Учинчи босқич. 1991 йилнинг августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинганидан бошланди. Шу қутлуғ санадан эътиборан Ўзбекистон Республикасининг ҳам де факто мақоми бир субъекти — тўла мустақил ва суверен давлат. Ислоҳ Қаримов ўзи бошчилигида қайта тикланган ўзбек давлатининг Президентини ва халқимизнинг йўлбошчисидир.

Муаллифнинг Президент Ислоҳ Қаримовнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг даврий босқичлари ҳақидаги фикрларига мазкур китоб ҳақида тақризлар ёзган академик Азиз Қаюмов, файласуф олим Омонулла Файзуллаев, ёзувчи ва юрист Омонулла Қиличев, адиб Ҳожиакбар Шайхов ва бошқалар юксак баҳо бердилар.

Китобнинг «Президентнинг умидлари» қисмида муаллиф жумладан бундай деб ёзади: «Президентнинг ёзма ва оғзаки равишда маълум бўлган умидларини у кишининг мақсадлари деб айта оламиз. Бу деган сўз Президентнинг бутун фаолияти демакдир. Ҳар бир шахс фаолиятининг негизида унинг феномени, ўзбекча айтганда, жавҳари ётади. Мазкур жавҳар қанчалик чўнг, залворли ва серқирра бўлса, унинг фаолияти ҳам шунчалик қудратли ва азамат бўлади. Некбин жавҳардан эзгулик пайдо бўлади... (338-бет)».

Хуллас, Президентимизнинг умидлари халқимизнинг мурод-мақсадларига монанд бўлганлиги учун ҳам яратувчанлик аҳамиятини касб этмоқда, эзгу ишларга чорламоқда ва янги-янги самаралар келтирмоқда.

«Бизким ўзбеклар...» китоби миллий ғоя ва миллий мафкура руҳи билан суғорилган, унинг йиғирча бешинчи боби «Мафкура ва яна бир янги ташаббус», деб аталади. Бу бобида Президент Ислоҳ Қаримовнинг миллий ғоя масаласига нақадар катта аҳамият бераётгани ҳаётий мисоллар орқали батафсил баён қилинган.

Шуни мамнуният билан айтиш лозимки, ўз вақтида, долзарб мавзуда ёзилган бу китоб ҳозирги кунда олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг талабалари, ўқитувчилари, илмий ходимлари томонидан қўлланма сифатида фойдаланилмоқда. Ундан ўқув-ўқитув ишларида, маънавият дарсларида, «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани бўйича маърузаларда кенг фойдаланилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, барча зиёлиларимиз ва талабаларимизга мўлжалланган, китобхонлар томонидан қизиқиб ўқиладиган, миллий ифтихор руҳи билан суғорилган «Бизким ўзбеклар...» асари муаллифнинг илмий-ижодий муваффақияти деб баҳоласа бўлади.

*Г. Мансурова*

## МУНДАРИЖА

А. Турсунов. Мустақил давлатлар — ташқи сиёсатнинг асосий субъектлари	3
У. Х. Муҳамедов. Қонун устуңлиги тушунчаси ва бу ғоянинг ривожланиши	7
А. А. Ортиқов, М. А. Муҳаммаджонов. Эркинлаштириш ва иқтисодий тизимни такомиллаштиришнинг истиқболлари	15
А. Д. Султонов. Маркетинг ва кичик ҳамда ўрта бизнеснинг ривожланиши	20
А. А. Абдурахмонов. Маданий меросга ёндашишнинг илмий-фалсафий тамойиллари хусусида	29
О. Маматов. Ватанпарварлик — миллий истиқлол мафкурасининг муҳим таркибий қисми	33
Г. В. Мачин. Мустақиллик даврида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги маданий алоқалар	39
Ю. Н. Абдуллаев, А. М. Бушуй. Ҳозирги замон тиллар тизимининг дунёдаги умумий кўриниши	44

### Илмий маълумотлар

У. С. Муҳитдинова. Мева ва сабзавот маҳсулотларини саноатда қайта ишлашнинг ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аспекти	50
С. Умаров. Суғурта фаолиятида солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида	52
У. С. Каримов. Бозор шароитида маорифий хизматни иқтисодий самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш ҳақида	54
З. У. Ҳайдаров. 30—50-йиллардаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари (Наманган вилояти мисолида)	57
Ш. Б. Саматов. М. Беҳбудий ватан тарихи ҳақида	60
В. Л. Гентшке. Туркистонда меннонит диний ташкилотининг пайдо бўлиши тарихига оид (XIX аср охири ва XX аср бошлари)	61
О. П. Кобзева. XX аср бошидаги Буюк Ипак йўли тарихини ўрганишга оид (Турфан экспедициялари)	66

### Манбашунослик

М. Ҳамдамова. «Тарихи элчи Низомшоҳ» Ануштегиний хоразмшоҳлар давлати ҳақида	72
--	----

### Тарихшунослик

М. Абдурахмонов. А. З. Валидийнинг тарихга оид дунёқарашлари ҳақида	76
---	----

### Янги китоблар

Ж. Холмўминов. А. Х. Саидов. Халқаро ҳуқуқ: Дарслик	79
Г. Мансурова. Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Бизким, ўзбеклар (Миллий давлатчилигимиз ҳақида мулоҳазалар)	81

## СОДЕРЖАНИЕ

А. Турсунов. Суверенные государства — основные субъекты внешней политики . . . . .	3
У. Х. Мухамедов. Понятие верховенства закона и развитие этой идеи . . . . .	7
А. А. Артыков, М. А. Мухамеджанов. Либерализация и перспективы развития экономического строя . . . . .	15
А. Д. Султанов. Маркетинг и развитие малого и среднего бизнеса . . . . .	20
А. А. Абдурахманов. О направлениях научно-философского подхода к проблемам культурного наследия . . . . .	29
О. Маматов. Патриотизм — важнейшая составная часть идеологии национальной независимости . . . . .	33
Г. В. Мачин. Культурные связи Узбекистана и Кыргызстана в условиях независимости . . . . .	39
Ю. Н. Абдуллаев, А. М. Бушуй. Современная языковая панорама мира . . . . .	44

### Научные сообщения

У. С. Мухитдинова. Социально-экономические аспекты развития промышленной переработки плодоовощной продукции . . . . .	50
С. Умаров. Об особенностях налогообложения страховой деятельности . . . . .	52
У. С. Каримов. О развитии и повышении экономической эффективности образовательных услуг в условиях рынка . . . . .	54
З. У. Хайдаров. Репрессии 30—50-х годов и их последствия (На примере Наманганской области) . . . . .	57
Ш. Б. Саматов. М. Бехбуди об отечественной истории . . . . .	63
В. Л. Гентшке. К истории появления меннонитских общин в Туркестане (конец XIX — начало XX века) . . . . .	61
О. П. Кобзева. К изучению истории Великого Шелкового пути в начале XX века (Турфанские экспедиции) . . . . .	66

### Источниковедение

М. Хамдамова. Сочинение «Тарихи элчи Низомшоҳ» о государстве хорезмшахов Ануштегинидов . . . . .	72
--	----

### Историография

М. Абдурахманов. О исторической концепции А. З. Валиди . . . . .	75
--	----

### Новые книги

Дж. Холмуминов. А. Х. Саидов. Международное право: Учебник . . . . .	79
Г. Мансурова. Абдукаххар Ибрагимов. Мы, узбеки (Размышления о нашей национальной государственности) . . . . .	81

## **ВНИМАНИЮ АВТОРОВ!**

В соответствии с указанием ГКНТ РУз, к статьям, направляемым в наш журнал на русском языке, следует обязательно прилагать краткие резюме (до 5 строк машинописи) на узбекском и английском языках (каждое резюме — на отдельной странице). К статьям на узбекском языке следует прилагать резюме на русском и английском языках. Статьи без резюме редакцией не принимаются.

## **ПРОДОЛЖАЕТСЯ ПОДПИСКА**

**на журнал «Общественные науки в Узбекистане»  
на 2002 год.**

Подписной индекс — 885. Периодичность издания — 6 номеров в год.

Подписка принимается всеми отделениями связи АО «Матбуот тарқатувчи».

## НАШИ АВТОРЫ

- Абдуллаев Ю. Н.**— доктор педагогических наук, ректор СамГИИЯ.  
**Абдурахманов А. А.**— доктор филологических наук, зав. кафедрой Наманганского госуниверситета.  
**Бушуй А. М.**— доктор филологических наук, профессор СамГИИЯ.  
**Гентшке В. Л.**— доктор исторических наук, профессор НУУ им. Мирзо Улугбека.  
**Саматов Ш. Б.**— доктор философских наук, зав. кафедрой Термезского госуниверситета.  
**Абдурахманов М.**— кандидат исторических наук, зав. кафедрой НУУ им. Мирзо Улугбека.  
**Артыков А. А.**— кандидат экономических наук, доцент Академии МВД Республики Узбекистан.  
**Мачин Г. В.**— кандидат исторических наук, доцент НУУ им. Мирзо Улугбека.  
**Мухамеджанов М. А.**— кандидат экономических наук, ст. преподаватель Академии МВД Республики Узбекистан.  
**Султанов А. Д.**— кандидат технических наук, преподаватель ТГЭУ.  
**Турсунов А.**— кандидат юридических наук, директор Института мониторинга действующего законодательства при Олий Мажлисе Республики Узбекистан.  
**Умаров С.**— кандидат экономических наук, генеральный директор Национальной компании экспортно-импортного страхования «Узбекинвест».  
**Маматов О.**— ст. преподаватель Наманганского госуниверситета.  
**Мухамедов У. Х.**— адъюнкт Академии МВД Республики Узбекистан.  
**Каримов У. С.**— аспирант ТГЭУ.  
**Кобзева О. П.**— аспирант НУУ им. Мирзо Улугбека.  
**Мухитдинова У. С.**— аспирант ТГЭУ.  
**Хайдаров З. У.**— аспирант Наманганского госуниверситета.  
**Хамдамова М.**— аспирант СамГИИЯ.

**ИНДЕКС 885**